БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 84 (1346)
28 АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ўзбекистон ССР саноати етти йиллик биринчи йилининг тўрт ойлик планини муддатидан илгари бажарди

Майолди социалистик мусобақасига қўшилган Ўзбекистон ССР саноат ходимлари КПСС XXI съезди томонидан қўйилган тарихий вазифаларни муддатидан илгари бажариш учун курашиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1959 йил тўрт ойлик планини муддатидан илгари адо қилдилар.

Барча халқ хўжалиги кенгашлари тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажардилар.

Маҳсулотнинг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш плани ҳам бажарилди.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига сезгирлик билан қулоқ солайлик

КПСС XXI съезди мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор программасини белгилаб берди. Совет халқи етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, меҳнат қаҳрамонлиги мўъжизаларини кўрсатаётган ҳозирги тарихий кунда ҳар бир совет киши ҳақида ғамхўрлик қилиш, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг хат ва шикоятларига эътибор билан қараш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масаладир.

Совет ва хўжалик органларига меҳнаткашлардан жуда кўплаб ариза ва шикоятлар келиб туради. Буларда меҳнаткашларнинг совет аппарати ишини янада яхшилаш, камчиликларни тугатиш, раҳбарликни оммага яқинлаштириш, сансалорлик ва бюрократизмга хотима бериш ҳақидаги истаклари ифода этилган. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз маҳаллий Советлардан меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига нисбатан тўғри муносабатда бўлишни, ҳар бир сигналга эътибор билан қараш, унга кечиктирмай, ўз вақтида конкрет жавоб қилишни талаб этмоқда.

КПСС XXI съезди жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советларининг роли янада кўпроқ ўсганлигини қайд қилиб, маҳаллий Советлар олдига ўз фаолиятларини бундан ҳам яхшилаш, оммо билан алоқани янада мустаҳкамлаш, совет демократиясини тинмай ривожлантиришдек муҳим вазифаларни қўйди. «Советларнинг ўз ролини янада муваффақиятли амалга ошира олишлари учун, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида қилган докладида, — улар сансалорлик ва бюрократизм элементларига узил-кесил хотима беришлари, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари зарур». Бу муҳим қоидага амал қилиш барча маҳаллий Советлар ва бошқа ташкилотларнинг асосий бурчидир.

Совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётган, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ўз вақтида эътибор билан муносабатда бўлаётган совет ва хўжалик ташкилотлари областимизда оз эмас. Бекобод, Оҳангарон, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳар ижроия комитетлари, Оққўрғон район ижроия комитети ва уларнинг тегишли бўлимларида меҳнаткашларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларига белгиланган муддатдан кечиктирмай жавоб беришда анчагина дуруст тартиб ўрнатилган. Улар меҳнаткашлардан келаётган ариза ва шикоятларни чуқур ўрганиш, жойлардан олинаётган сигналларга жиддий эътибор билан қараш, меҳнаткашларни қабул қилишни тўғри йўлга қўйиш асосида ўз фаолиятларининг заиф жойларини тезда аниқлаб олиш ва уни бартараф этиш имкониятига эга бўлмоқдалар, халқ билан алоқани янада мустаҳкамлашга, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликнинг янада яхшиланишига эришмоқдалар.

Бироқ, ҳали бизда айрим шундай ташкилот ва раҳбарлар борки, улар меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига панжа орасидан қарамоқдалар, ҳар бир ариза ва шикоятнинг орқасида жонли одам борлигини унутиб, уларга бюрократик муносабатда бўлмоқдалар, тез ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни пайсалга солиб, сансалорликка йўл қўймоқдалар. Бунга мисол қилиб Сирдарё район ижроия комитетининг фаолиятини кўрсатиш мумкин. Район ижроия комитети меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ўтакетган масъулиятсизлик билан қарамоқда. Масалан, район ижроия комитети Ильич номли колхоз территориясида турувчи совхоз ишчиси Ўртоқ Кирин шикоятини ҳал этмай, ўтган йилнинг октябридан бери судраб келмоқда. Пенсионер Новожилова ер участкаси олиш учун анчадан бери овора бўлиб юрибди. Район ижрокоми масалани ҳал этабермагач Новожилова юқори органларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Область ижроия комитети шу йилнинг февраль ва мартида Сирдарё район ижроия комитетига махсус хат ёзиб, ўртоқ Абдушоҳидовдан шикоятчига даҳол жавоб беришни ва бу ҳақда область ижрокомига хабар қилишни талаб ҳам қилди. Ижро муддатидан бир ойдан кўп вақт ўтиб кетди, лекин масала ҳалига қадар ҳал этилмай келмоқда. Бундай фактларни область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Қуйи Чирчиқ район ижроия комитети фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Бу хилдаги яроқсиз иш услубига, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига бюрократик муносабатда бўлишликка бутунлай барҳам бериш зарур.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир ариза ва шикоятни жонли одам ёзган, у ҳар соат ва кун сайин жавоб кутади. Буни ҳар бир ташкилот, ҳар бир ходим доим эсида сақлаши ва меҳнаткашлардан олинган шикоят ва аризаларга ўз вақтида конкрет жавоб қайтариш юзасидан тадбирлар белгилаши лозим. Бу масалани ижобий ҳал этиш учун маҳаллий Советларнинг депутатларидан, доимий комиссиялардан, активлардан кенг миқёсда фойдаланиш, ижроком аъзолари ва депутатлар томонидан меҳнаткашларни қабул қилишни тўғри ташкил этиш зарур.

Район ва шаҳар ижроия комитетлари ўз бўлимларида тушган шикоят ва аризаларнинг ҳаракати, уларнинг тақдири қайдаражада ҳал этилаётганини устидан қатъий назорат ўрнатишлари, бу масала юзасидан вақти-вақти билан бўлимларнинг ҳисоботини эшитиб туришлари, сансалорлик ва бюрократизмга йўл қўяётган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўришлари зарур. Айрим ташкилотларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари рўйхатга олинмайди, баъзи раҳбар ходимлар эса бу муҳим иш билан шахсан ўзлари шуғулланиш ўрнига, уни иккинчи даражали кишиларга топшириб қўядилар. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан шахсан шуғулланиш ҳар бир совет ташкилоти раҳбарининг муқаддас бурчи, биринчи даражали вазифасидир.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига эътиборни кучайтириш маҳаллий Советларнинг халқ билан яқиндан алоқа қилиш формаларидан биридир. Маълумки, Советлар омма билан алоқани қанчалик мустаҳкамласалар, уларнинг фаолияти шунчалик яхшиланади, улар ўз олдиларига қўйилган улуғвор вазифаларни шунчалик муваффақиятли ҳал эта оладилар. Совет ва хўжалик органларига раҳбарликни тағин ҳам кучайтириш, сансалорлик ва бюрократизм элементларига узил-кесил барҳам бериш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ўз вақтида жавоб қилинишига эришиш, маҳаллий Советларнинг халқ оммаси билан алоқасини янада мустаҳкамлаб бориш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Чигитни текис ундириб олиш ва ғўза парваришини кучайтириб юбориш тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъкидлайдики, бу йил республиканинг кўпчилик колхоз ва совхозларида чигит экиш бирмунча уюшқоқлик билан ва асосан энг яхши агротехника муддатларида ўтказилди, бу эса катта майдонларда чигитнинг текис ва соғлом униб чиқишини таъминлади. Кўпгина бригадалар, айрим колхоз ва совхозлар чигитни текис ва тўла ундириб олдилар ва ғўза парваришини кучайтириб юбордилар.

Бироқ, ғўзанинг тез ўсиши учун қулай шароит вужудга келганлигига қарамай, айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чигит экилган майдонларни назоратсиз ташлаб қўйдилар ва ғўза парваришини ташкил этмаётирлар, чигит униб чиққан жойларда қатор ораларини ишлаш учун трактор культиваторлари ва ишчи кучлари ажратмаётирлар. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари эса ғўза қатор ораларини ишлашни ташкил этиш ўрнига ҳамма майдонларда чигит экишнинг тугаллашишини кутиб ўтиришпилар.

Ерда нам етарли бўлмагани учун чигит униб чиқмаётган ёки ола чиққан айрим майдонларда чигитни ундириб олишни тезлаштириш чоралари кўрилмаётир. Кўпчилик участкаларда ола чиққан ерларга, шунингдек участкаларнинг четларига ва бурчакларига чигит экилмаётир, натижада экилган майдонларда тўла гектар таъминланмаётир.

Кўпгина колхоз ва совхозлар ғўзани барвақт озиқлантиришга ҳамон киришмаганлар. Бу эса ғўзанинг нормал ўсишига жиддий зарар бериши ва бу йил чигитнинг эрта униб чиқишидаги афзалликни йўққа чиқариши мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига, колхоз правлениеларига ва совхоз директорларига қуйидагилар топширилсин:

бригадаларда, совхоз бўлимларида ва ҳар бир колхозда чигит экишнинг тамомланишини кутиб турмасдан ғўзани букетлаш, культивация қилиш, яганалаш, озиқлантириш ва ўтоқ қилишга даҳол киришилсин;

яқин кунлар ичида экишни тамомлаш билан бирга, чигитни ўз вақтида тўла ундириб олишни, ола чиққан жойларга қўшимча экишни ва ғўзани парвариш қилишни таъминлаш учун ҳар бир бригада ва совхоз бўлимига зарур миқдорда чопиқ трактори ҳамда культиватор, ўғитлагичлар ва ишчи кучлари ажратиб берилсин;

ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадада культиваторлар, ўғитлагичлар ўрнатишни, қатор ораларини узунасига ва кўндалангига дастлабки ишлашни, уялардаги бегана ўтларни қўл билан ўташни ва ғўзанинг аҳволига қараб ўғитлашни тугаллаш муддатлари белгилансин;

ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадада культиваторлар, ўғитлагичлар ўрнатишни, қатор ораларини узунасига ва кўндалангига дастлабки ишлашни, уялардаги бегана ўтларни қўл билан ўташни ва ғўзанинг аҳволига қараб ўғитлашни тугаллаш муддатлари белгилансин;

ғўзанинг ёш давридан бошлаб тез ривожланишини таъминлаш мақсадида узунасига ва кўндалангига биринчи культивация ўтказиш билан бир вақтда минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси билан озиқлантиришга киришилсин;

ҳар бир картада чигитнинг тўлиб чиқиши мунтазам кузатиб турилсин, ола чиққан жойларга ўз вақтида чигит экиш ва кўчат қилиб ўтказиш таъминлансин, шу билан бирга, карта четлари ва йўл бўйларига чигит экишга алоҳида эътибор қилиниб, гектарлар тўла бўлиши таъминлансин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг эътиборини шунга жалб қилдики, бир қатор майдонларда агротехника қоидалари қўпол равишда бузилганлиги оқибатида чигитни ундириб олиш кечикмоқда ёки сийрак бўлиб қолмоқда. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари эса зарур чораларни кўрмаётирлар, ёмғир ёғиб қолишига умид боғламоқдалар, бу билан чигитнинг ўз вақтида униб чиқишини сунъий равишда кечиктирмоқдалар. Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига ернинг бети қуриб қолган ҳамма майдонларда даҳол оз норма билан чигит суви беришни ташкил этиш, қатқалоқ бўлган участкаларни ротацион борона ва бошқа асбоблар билан юмшатиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети етти йилликнинг биринчи йилида пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашнинг ҳал қилувчи кунлари келди ва бу йилги баҳорнинг қулай шароитларидан тўла фойдаланиш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг ташкилий ишларни моҳирлик билан тўғри олиб боришларига боғлиқдир, деб ҳисоблайди.

КУНДАЛИК ТОПШИРИҚНИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРМОҚДАЛАР

Тельман номли колхознинг ўртоқ Сафарали Тўраев бошлиқ бригадаси аъзолари йил бошида ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштирамиз, деб сўз берган эдилар. Ганишер Юнусов бригадаси аъзоларининг ташаббуси уларнинг ҳам ғайратларига ғайрат қўшди. Бригада аъзолари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар.

Ҳозир бригада далаларида иш қизғин. Механизаторлар, колхозчилар ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш учун курашиб, мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар. Ола чиққан ерларга, ариқ бетлари, дала бурчаклари, марзаларга чигит экиб чиқилмоқда.

Оққўрғон районидаги бу колхознинг 3, 5, 7, 12- бригада аъзолари ҳам Ганишер Юнусовнинг очиқ хатини муҳокама қилиб чиққач, мўл ҳосил етиштириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар.

М. ОЙДИНОВ,
М. ЮСУПОВ.

Яганалаш бошланди

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхознинг Фозил Кўчқоров, Оллаберган Раҳимбердиев, Нормирза Эшов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида яганалашга қизғин киришилди. Бу иш айниқса, ўртоқ Н. Эшов бошлиқ бригадада уюшқоқлик билан ўтаётир. Механизатор ўртоқ Қўчқор Олимов ғўзаларни узунаси ва кўндалангига культивация қилмоқда. Бригаданинг Норбувви Ҳусанбоева, Хайри Абдуқаюмова, Ҳабиба Турғунова каби аъзолари ғўзаларни букетламоқдалар. Янгана қилинган ерларда яшнаб турган ғўзалар кишининг ҳавасини келтиради.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам яганалаш бошланди.

Т. НИШОНБОЕВ.

Дастлабки парвариш байрамгача тугалланади

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг дастлаб режа сими тортиб чигит экилган майдонларида яшил квадратлар пайдо бўлди. Чигит экишни колхозда биринчи бўлиб тамомлаган ўртоқ Олим Жўраев бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришини қизғин бошлаб юбордилар. Улар 135 гектар ернинг 75 гектарига 60х60 схемаси билан режа сими тортиб чигит эккан эдилар.

— Мақсадимиз ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта ҳосили олишдир, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ О. Жўраев.

Райондаги «XIX партсъезд» колхозида ҳам чигит экиб бўлинди. Мавжуд 60 гектар ернинг ҳаммасига чигитни квадрат-уялаб жойлаштирган ўртоқ Т. Эшхўжаев бошлиқ бригада аъзолари чигитни текис ундириб олишиб, ғўза парваришини бошлаб юбордилар. Улар ҳар гектар ердан 33,5 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар.

Бригадада ғўзанинг биринчи парваришини 1 Май байрамигача тамомлаш мўлжалланаётир.

М. МАМАТОВ,
О. ЭШОНҚУЛОВ.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга ва Буюк Британия бош министри Г. Макмилланга мактублари

СССРнинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков 24 апрелда Вашингтонда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан Америка Қўшма Штатлари президенти Д. Эйзенхауэрга ёзган мактубини АҚШ давлат департаментига топширди. Бу мактуб АҚШ президентининг 13 апрелдаги мактубига жавобдир.

АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр ядро қуроли синовларини тўхтатиш юзасидан Женева музокараларининг яна бошланиши муносабати билан юборган мактубида ер остида ва космик бўшлиқда портлашларни контроль қилиш билан боғланган сиёсий ва техника масалалари муҳокама қилиниб турган бир пайтда, 50 километргача бўлган баландликдаги атмосферада ядро қуроли синовларини тўхтатиб туришни таклиф этган эди.

Н. С. Хрушчев ўзининг жавоб мактубида айтадики, Совет ҳукумати 50 километргача бўлган баландликда ўтказиладиган ядро қуроли портлатишларинигина тўхтатиб туриш масалани ҳал этмайди, деб ҳисоблайди. Бундай битим имзоланган тақдирда, деб таъкидлаб ўтилади мактубда, атом қуролининг янги, янада кўп вайронгарчилик келтирувчи турларини ишлаб чиқаришга йўл қўймасликдан иборат мақсадга эришиб бўлмас эди.

Иккинчи томондан, дейилади Н. С. Хрушчевнинг мактубида, 50 километрдан ҳам кўпроқ баландликда ядро қуролини портлатишлар ҳам атмосфера ва ерни заҳарлаган бўлур эди, жониворлар ейдиган ўсимликни ва киши организмини радиоактив заррачалар билан заҳарлаган бўлур эдик, ҳозирги вақтда худди шундай аҳвол рўй бермоқда. Шу сабабли, дейди Н. С. Хрушчев, 50 километргача бўлган баландликдаги атмосферадагина синовларни тўхтатиш тўғрисида битим тузилишини халқлар виждонсизларча қилинган бир иш деб ҳисоблаб ҳоралашга ҳақли бўлур эди.

Н. С. Хрушчевнинг мактубида таъкидлаб ўтилганидек, қийинчиликлар олдида тўхтаб қолмаслигимиз керак, ирода кучига эга бўлиб, ядро қуроли синовларининг ҳамма турларини — атмосферада, ер остида, сув остида ва баланд масофаларда синовларни тўхтатишни кўзда тутадиган шартнома тузиш зарур эканлигини англаб олиш керак.

Н. С. Хрушчев Д. Эйзенхауэрга қуйидагиларни ёзади: Мен Совет ҳукуматининг таклифларини яхши тушуниб олурсиз ва ҳозирги замоннинг энг муҳим ҳамда энг кескин масалаларидан бири юзасидан ўзаро бамаслаҳат бир фикрга келурмиз, деб умид билдиришни истар эдим. Биз ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келмоқ учун бутун куч-ғайратимизни сарф қиламиз.

* * *

СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик 25 апрелда Лондонда ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ҳузурида бўлди ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан Буюк Британия бош министри Г. Макмилланга ёзган мактубини унга топширди. Бу мактуб Буюк Британия бош министрининг 13 апрелдаги мактубига жавобдир.

Г. Макмиллан ўз мактубида бу масала юзасидан АҚШ президентининг таклифини тамомила қўллаб-қувватлаганлигини билдирган эди.

Н. С. Хрушчевнинг 23 апрелдаги жавоб мактубида айтилишича, АҚШ президенти таклифининг моҳияти ҳақида Совет ҳукуматининг тутган позицияси Д. Эйзенхауэрга юборилган мактубда баён қилинган. Бу мактуб Буюк Британия бош министрига ҳам юборилади.

Н. С. Хрушчев Буюк Британия бош министрининг яқинда Москвада бўлган вақтида асосий қийинчиликлардан бирини бартараф қилиш ҳақида яъни ядро портлашлари сифатида гумон қилинган ҳодисалар рўй берадиган жойда инспекция ўтказиш тартиби тўғрисида айтган мулоҳазаларига нисбатан ижобий қараганлигини хабар қилади.

Н. С. Хрушчев таъкидлаб ўтганидек, Г. Макмилланнинг инспекциячи группаларнинг ҳар йили жойларга неча марта боришини ҳар бир мамлакат учун олдиндан белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклифи атом ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани муваффақиятли ҳал этиш учун ва бу масала юзасидан атрофлича битимга келиш учун яхши асос бўлиб хизмат қила олади.

Н. С. Хрушчев Буюк Британия бош министри Т. Макмиллан ўзи томонидан Москвада иҳор қилинган мулоҳазаларни эътиборга олиб, ана шу масалани ҳал этиш учун зарур чораларни кўриш ҳақида ўзининг Женева кенгашидаги вакилига кўрсатма беради, деб умид қилади.

(ТАСС).

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ЧИГИТ ЭКИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

ТЕРМИЗ, 27 апрель. (ЎзТАГ). Сурхондарё области бугун чигит экиш планини бажарди.

Сим режани машина билан кўчириб юриб, чигитни жадаллаштириб квадрат-уялаб экиш топшириғи ошириб бажарилди. Термиз ва Жарқўрғон районларида чигит катта майдонларда баланд эгатларга экилганлиги экиннинг униб чиқишини тезлаштирди. Ҳозиргача областда 50 минг гектарга яқин ерда чигит униб чиқди.

Бу йил Сурхон водисидаги колхоз ва совхозларда 200 га яқин трактор-далачилик бригадаси ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси ғўза парваришини комплекс механизациялаш учун зарур техника билан таъминланган.

Ҳамма далаларда чигит экилиб бўлгандан кейин бажариладиган ишлар бошлаб юборилди. Бу йил биринчи марта экинни эрта муддатда озиқлантириш вақтида қатор ораларини ҳам ишланмоқда ва суғориш эгатлари очилмоқда.

Чорвачилик тез суръатлар билан ривожланмоқда

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг 1959 йил биринчи кварталида чорвачиликнинг аҳволи тўғрисида берган ахборотида кўрсатилишича, мамлакат қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съезди қарорларида белгиланган етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган мажбуриятларини амалга ошириш учун курашиб, чорвачиликни янада юксалтиришга муваффақ бўлдилар.

1959 йил 1 апрелгача колхоз ва совхозларда маҳсулдор чорва моллар сони 1958 йил 1 апрелга нисбатан анча миқдорда кўпайди.

Қорамоллар сони 1959 йил 1 апрелгача 4,7 миллион бош (1958 йилга нисбатан 111 процент), шу жумладан сигирлар сони 1,2 миллион бош (1958 йилга нисбатан 109 процент), чўчқалар сони 4,3 миллион бош (1958 йилга нисбатан 114 процент), қўй ва эчкилар 7,7 миллион бош (1958 йилга нисбатан 107 процент) кўпайди.

Колхоз ва совхозларда сут, гўшт, ёғ етиштириш, тухум тайёрлаш анча кўпайди.

Маҳсулот етиштиришнинг ўсиши планнинг муддатидан илгари бажарилишини ва чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилишнинг кўпайтирилишини таъминлади.

Колхоз ва совхозлар 1959 йилнинг 1 январидан 20 апрелигача бўлган вақт ичида давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 27 процент кўпроқ сут, 52 процент кўпроқ чорва мол ва 50 процент кўпроқ тухум сотдилар.

Хўжаликнинг ҳамма категорияларида йил бошидан 20 апрелгача 4 миллион 623 минг тонна сут, 1.085 минг тонна чорва мол (тирик вазнда) ва 2 миллиард дона тухум сотиб олинди.

Сабзавот ва картошка мўл бўлсин!

Тошкент областининг Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгиер, Янгийўл шаҳарлари, район марказлари ва ишчи посёлкаларининг аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш тадбирлари

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети шуни қайд қиладиларки, сабзавот ва картошка етиштириш соҳасидаги ишлар қониқарсиз ташкил қилинаётганлиги натижасида Олмалиқ, Оҳангарон, Янгиер, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, район марказлари ва ишчи посёлкалари аҳолиси бу зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмаётир. Кейинги йилларда юқорида номлари кўрсатилган шаҳар зоналари ва ишчи посёлкаларида картошка ва сабзавот етиштириш аҳолининг ўсиб бораётган талаблари даражасидан анча орқада қолмоқда.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси (ўртоқ Солимуҳамедов), область совхозлар трести (ўртоқ Иброҳимов), Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг озиқ-овқат саноати бошқармаси (ўртоқ Еросиди), Бекобод шаҳар партия комитети (ўртоқ Ҳуснитдинов) ва Бекобод район партия комитети (ўртоқ Каримов) картошка ва сабзавот етиштириш ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқда. Колхоз ва совхозлар етарли даражада механизациялаштирилмаган, уларга керакли миқдорда минерал ўғит, транспорт воситалари ажратилмаяпти, янги ерларни ўзлаштиришда зарур ёрдам берилмаётир.

Колхозларни сабзавот ва картошка маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш принципи бузилмоқда.

Тошкент Халқ хўжалик кенгашининг ишчилар таъминоти бўлимлари муассасалари Оҳангарон, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларининг аҳолисига кам миқдорда сабзавот маҳсулотлари, картошка, мева ва узум сотмоқда.

Область матлубот жамияти, шаҳар савдо бўлимлари қовун-тарвуз, узум ва картошка маҳсулотларининг давлат ва комиссион савдосини қониқарсиз ташкил қилмоқдалар.

Олмалиқ, Оҳангарон, Янгиер, Янгийўл ва бошқа саноат шаҳарлари ҳамда областнинг район марказлари аҳолисини картошка, сабзавот ва қовун-тарвуз маҳсулотлари билан яқин 2-3 йил ичида тўла таъминлаш мақсадида Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети қуйидаги тадбирларни амалга ошириши зарур, деб ҳисоблайди:

1. 1959-1962 йилларда шундай миқдорда сабзавот, картошка, қовун-тарвуз етиштиришни таъминлаш керакки, бунинг натижасида шаҳар, ишчи посёлкалари ва областнинг район марказлари меҳнаткашларини ана шу маҳсулотлар билан тўла таъминлаш мумкин бўлсин.

Шу муносабат билан Олмалиқ, Янгиер, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари зоналарида сабзавот, қовун-тарвуз, картошка етиштириш бирмунча кўпайтирилиши ва бу маҳсулотлар қуйидаги миқдорда тайёрланиши белгилансин:

1959 йилда 26,4 минг тоннага етказиб, 1962 йилда эса 1958 йилда амалда йиғиб олинган 10,5 минг тонна ўрнига 36,1 минг тонна сабзавот; 1959 йилда 15,7 минг тоннагача картошка, 1962 йилга бориб эса 1958 йилда амалда йиғиб олинган 3,6 минг тонна ўрнига 19,4 минг тонна картошка; 1959 йилда 12,4 минг тоннагача қовун-тарвуз, 1962 йилда эса 1958 йилда амалда йиғиб олинган 7,2 минг тонна ўрнига 15,6 минг тонна қовун-тарвуз етиштирилсин.

Шаҳар зоналари бўйича ҳам картошка, сабзавот, қовун-тарвуз маҳсулотлари етиштириш юзасидан топшириқ белгилаб қўйилсин.

2. Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгиер, Янгийўл шаҳарлари ва ишчи посёлкаларида 1959 йилда аҳоли жон бошига 90 килограммдан, 1962 йилда 100 килограммдан сабзавот; 1959 йилда 60 килограммдан, 1962 йилда эса 80 килограммдан картошка; 1959 йилда 60 килограммдан, 1962 йилда 70 килограммдан қовун-тарвуз етиштириш таъминлансин.

3. Арзон баҳодаги сабзавот, картошка маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш топшириқларини муваффақиятли бажариш мақсадида шаҳар партия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетлари, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область совхозлар трести, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг озиқ-овқат саноати бошқармаси, совхоз директорлари, сабзавот етиштирувчи колхоз правлениелари зиммасига шаҳар атрофидаги ихтисослаштирилган колхоз ва совхозларни сермаҳсул ва намунали хўжаликка айлантириш вазифаси юклатилсин.

Шу мақсадда:

Беш кун муддат ичида колхоз ва совхозларнинг ва бошқа давлат хўжаликларининг 1959 йилдаги ишлаб чиқариш планларига тегишли ўзгартиришлар киритилсин, натижада бу йилги мана шу тадбирда кўзда тутилган миқдордаги сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлсин. 1-1.5 ой мобайнида ҳар бир колхоз ва совхозда 1959-1965 йилларга мўлжалланган перспектив планлар ишлаб чиқилсин; 1959 йилнинг ўзидаёқ шаҳар атрофи зоналарида ҳар гектар ердан 100-115 центнердан картошка, камида 150-170 центнердан сабзавот ва 160-200 центнердан қовун-тарвуз олишни таъминлаш учун ҳосилдорлик кескин оширилсин.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сабзавот, қовун-тарвуз, картошка ва мева етиштиришни кўпайтириш ва Тошкент областининг шаҳарлари, район марказлари ва ишчи посёлкалари аҳолисининг бу маҳсулотларга бўлган талабини яқин 2-3 йил ичида тўла қондириш юзасидан Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси, «Ўзбекуголь» комбинати ва «Ангреншахтстрой» ишчилар таъминоти бўлимлари бошлиқлари, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ишчилар таъминоти бошқармаси, «Главголодностепстрой»нинг ишчилар таъминоти бошқармаси зиммасига ишлаб чиқаришни кўпайтириш планларини амалга ошириш ва сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева маҳсулотларининг давлат ва кооператив савдосини кенгайтиришга қаратилган зарур тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

3. Совет контроль комиссиясига мазкур қарорнинг бажарилиши устидан контроллик қилиб бориш топширилсин.

Сабзавот ва картошка мўл бўлсин!

Тошкент областининг Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгиер, Янгийўл шаҳарлари, район марказлари ва ишчи посёлкаларининг аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш тадбирлари

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

1962 йилда гектаридан олинадиган картошка ҳосили 110-135 центнерданга, сабзавот 160-230 центнерданга, қовун-тарвуз 190-245 центнерданга етказилиши лозим. Сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка экинлари майдонини барча қишлоқ хўжалик экинлари майдонига нисбатан камида 65-68 процентни ташкил этишини таъминлашни кўзда тутиб, алмашлаб экиладиган майдонларни кенгайтириш лозим.

1959 йилда юқорида номлари кўрсатилган шаҳар зоналарида картошка экиладиган майдони 1436 гектарга, сабзавот экинлари майдонини 1698 гектарга, қовун-тарвуз экиладиган ерларни 664 гектарга, 1962 йилда эса картошка экини майдонини 1577 гектарга, сабзавот экини майдонини 1869 гектарга ва қовун-тарвуз экиладиган ерларни 704 гектарга етказилсин.

Колхозларда ихтисослаштирилган сабзавот бригадалари ташкил қилинсин, шунингдек шаҳар зоналаридаги колхозлар, совхозлар ва уларнинг бўлимларини сабзавот етиштиришга ихтисослаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилсин;

барча ихтисослаштирилган совхозлар ва ёрдамчи хўжаликларда квадрат-уялаб экиш кенг қўлланилсин, картошка доналарини яровизациялаш, чиринди тувакчаларида кўчатлар ўстириш, картошка ва сабзавот экинларига маҳаллий ва минерал ўғит аралашмаси солиш жорий қилинсин;

область матлубот жамиятига шаҳарлар аҳолисини таъминлаш учун кўплаб қўшимча сабзавот, картошка ва қовун-тарвуз ҳосили резервларини тайёрлаш мақсадида ҳар йили пахтакор районларнинг колхоз ва совхозларидан пландан ташқари камида 5000 тонна сабзавот, шу жумладан 2000 тонна пиёз, шунингдек қовун-тарвуз маҳсулотлари сотиб олиш мажбурияти юклатилсин, шунингдек область матлубот жамиятига бу маҳсулотлар билан шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва район марказларида комиссион савдо қилишни уюштириш вазифаси юклатилсин;

область план бошқармаси Оҳангарон шаҳрига сабзавот ва қовун-тарвуз ҳосилини областнинг резерви ҳисобидан етказиб бериш масаласини кўриб чиқсин;

область матлубот жамияти зиммасига шаҳар аҳолисини таъминлаш учун ҳар йили республикамиздан ташқари жойлардан комиссион тартибда 10 минг тонна картошка келтириб олиш вазифаси юклатилсин;

пахтакор районларнинг район партия комитетлари, район ижроия комитетлари зиммасига, сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи колхоз ва совхозлар хўжаликларида ҳар гектар ердан камида 160-180 центнердан сабзавот, 130-150 центнердан картошка ва 180-200 центнердан қовун-тарвуз етиштиришлари учун уларга амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

4. «Главголодностепстрой» трести зиммасига:

1960 йилда машинада суғориш йўли билан «Ховос» совхозида камида 300-500 гектар ерни сув билан таъминлаш, Янгиер шаҳри механткашлари учун сабзавот етиштиришни кўпайтириш кўзда тутиб, зарур чораларни амалга ошириш мажбурияти юклатилсин.

Бир ой муддат ичида «Главголодностепстрой»нинг Гулистон районида жойлашган ёрдамчи хўжаликлари ерларидан тўғри фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар область партия комитети ва область ижроия комитетига тавсия қилинсин. Бу таклифда 1960 йилда йирик сабзавот-суғочилик совхози ташкил қилиш кўзда тутилсин.

5. Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси зиммасига шаҳар атрофи зоналаридаги колхоз ва совхозларни 1959 йил ҳосили учун зарур миқдорда минерал ўғит, шунингдек етарли тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва транспорт билан таъминлаш вазифаси юклатилсин, шундай қилинганда сабзавот экинларини механизация воситасида парвариш қилиш ва ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш мумкин бўлади.

6. 1959-1960 йилларда шаҳар атрофи хўжаликларида парник рамлари сони 10 минг донагача ва 1962 йилда эса 15 минг донага етказилсин. Область қишлоқ хўжалиги таъминот бошқармаси зиммасига бу зоналардаги колхоз ва совхозларга 1959 йилда 4 минг, 1960 йилда эса 5 минг дона рам юбориш ва сотиш вазифаси юклатилсин.

7. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область совхозлар трести ва Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши зиммасига Бекобод металлургия заводи, Оҳангарон ТЭЦи ва бошқа саноат корхоналаридаги ёқилғи чиқиндиларидан, кейинчалик эса табиий газлардан фойдаланишни кўзда тутиб, шаҳар зонасидаги колхоз ва совхозларда теплица қуришнинг 1959-1961 йилларга мўлжалланган тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин.

8. Область совхозлар трести, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши озиқ-овқат саноати бошқармаси ва область қишлоқ хўжалик бошқармаси зиммасига сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвуз ва картошка сақланадиган хоналар, маҳсулот тузлайдиган чуқурликлар қуришнинг 1959—1961 йилларга мўлжалланган планини ишлаб чиқиш ва бу планни 1959 йилнинг 10 майидан кечикмасдан область ижроия комитетининг тасдиғига тавсия қилиш вазифаси юклатилсин.

9. Область матлубот жамиятига, область план бошқармаси, область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, совхозлар трести, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг озиқ-овқат саноати бошқармасига шаҳар атрофи зоналаридаги колхоз ва совхозларда кейинги йилларда ишлаб чиқариш объектлари қурилиши учун зарур миқдорда материал ва маблағ етказиб беришни қараб чиқиш вазифаси топширилсин.

10. Шаҳар атрофи зоналаридаги районларда 1959 йилда камида 3 минг тонна, 1965 йилда камида 10 минг тонна узум, 1959 йилда камида минг тонна, 1965 йилда камида 7,5 минг тонна мева етиштирилсин.

11. Область партия комитети ва область ижроия комитети шаҳар зоналаридаги ихтисослаштирилган колхоз ва совхозларда сутчилик чорваси яхши ривожланган бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан юқорида кўрсатилган зоналарда сут етиштиришни 1959 йилда тахминан 11 минг 600 тоннага, 1965 йилда 45 600 тоннага кўпайтириш, гўшт етиштиришни 1959 йилда 4100 тоннага, 1965 йилда эса 11700 тоннага етказиш керак.

12. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси зиммасига манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўн кун муддат ичида йирик шохли зотдор қорамолларни кўпайтиришнинг 1959-1960 йилларга мўлжалланган тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилсин, бу тадбирларда шаҳар атрофи зоналаридаги подаларда сигирлар камида 45-50 процентни ташкил қилиши ва кам маҳсул, наслсиз молларни зотли моллар билан тўла алмаштириш назарда тутилсин. Шунингдек область қишлоқ хўжалик бошқармасининг шаҳар атрофи зоналарига қўшимча равишда қунжара, пахта шулхаси ва дон чиқиндилари юбориш тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдиришлари тавсия қилинади.

13. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область совхозлар трести, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши, совхоз директорлари, ёрдамчи хўжаликлар зиммасига 1959 йилнинг ўзидаёқ ем-хашак экинлари ҳосилини кескин ошириш — ҳар гектар ердан олинадиган беда ҳосилини 90-100 центнердангача, думбул сўтали маккажўхори ҳосилини эса 400-500 центнергача етказишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Сабзавот ва картошка чиқиндиларидан чорва молларни боқишда тўла фойдаланилсин.

14. Олмалиқ, Оҳангарон, Янгиер, Янгийўл ва Бекобод шаҳар ижроия комитетларининг умумий овқатланиш жамоат муассасалари озиқа чиқиндиларидан фойдаланиш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш билан қоникарсиз шуғулланаётганликлари қайд қилиб ўтилсин ва улар зиммасига ўн кун муддат ичида бу масала юзасидан бошқа шаҳарларнинг тажрибаларини кенг қўлланишни ҳисобга олиб, ўз таклифларини киритиш вазифаси топширилсин.

15. Область суғориш системаси бошқармаси зиммасига манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда шаҳар атрофи зоналаридаги партов ва бўз ерларни ўзлаштириб сабзавот, картошка, қовун-тарвуз экинлари майдонига айлантириш ва боғдорчилик, узумчиликни ривожлантириш юзасидан ўз таклифларини бир ой муддат ичида область ижроия комитетига тавсия қилиш топширилсин.

16. Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, область совхозлар трести, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, совхоз директорлари зиммасига совхоз ишчиларининг меҳнат ва материал харажатларини камайтирган ҳолда сабзавот, картошка етиштиришни кўпайтириш соҳасида бевосита манфаатдорлигини ошириш мажбурияти юклатилсин, колхоз правлениеларига эса ана шу тадбирни амалга ошириш тавсия этилсин. 1959 йилда бригадаларнинг хўжалик ҳисобига ўтиши одат тусига кириши керак. Бунда колхоз ва совхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш бевосита етиштириладиган маҳсулотнинг миқдори ва сифати ҳамда таннархига қараб белгилансин.

17. Колхоз ва совхозларнинг сифатли маҳсулот етказиб бериш, янги сабзавот ва картошка маҳсулотларини реализация қилиш соҳасидаги жавобгарлигини ошириш мақсадида Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгиер, Янгийўл шаҳарларининг ижроия комитетлари зиммасига колхоз ва совхозларни магазин ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига биркитиб қўйиш вазифаси юклатилсин ва маҳсулотлар тўғридан-тўғри жойларга етказиб берилсин.

18. Тошкент область ижроия комитети савдо бошқармаси, область матлубот жамияти ва ОРСларнинг директорлари зиммасига картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум маҳсулотлари билан давлат савдо тармоғи йўли билан, ОРСларда ва комиссион магазинларда эса матлубот кооперациялари йўли билан савдо қилишни кучайтириб юбориш, савдо тармоқларини кенгайтириш, сабзавот, картошка ва мева омборларини кенгайтириш вазифаси юклатилсин.

Шу мақсадда:

Шаҳар савдоси ҳамда ишчилар таъминоти системаси бўйича 1959—1961 йилларда 14 та ихтисослаштирилган сабзавот магазинлари, 25 та стационар сабзавот палаткалари, 2800 тонна картошка сақлаладиган хона, 450 тоннага мўлжалланган пиёз сақланадиган, 2600 тоннага мўлжалланган сабзавот сақланадиган хоналар ва 600 тонна маҳсулот кетадиган 4 та музхона қурилсин.

Область матлубот жамияти системаси бўйича Янгиер шаҳрида 1959 йилда 400 тоннага мўлжалланган сабзавот сақлаш хонаси, 100 тонна маҳсулот кетадиган музхона ва 2 та сабзавот дўкони; 1961 йилда эса 1 та сабзавот магазини қурилсин. Шунингдек Бекобод шаҳрида 1959 йилда 1 та сабзавот дўкони, 1960 йилда 200 тоннага мўлжалланган сабзавот сақланадиган жой, 1 та дўкон; 1961 йилда эса сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қиладиган битта магазин қурилсин; Янгийўл шаҳрида 1959 йилда сабзавот билан савдо қиладиган хўжалик магазинлари қайта ускуналансин ва битта сабзавот дўкони қурилсин; 1960 йилда эса 200 тоннага мўлжалланган сабзавот сақланадиган хона ва иккита дўкон қурилсин; Олмалиқ шаҳрида 1960 йилда битта сабзавот магазини ва иккита дўкон қурилсин; Оҳангарон шаҳрида 1960 йилда битта сабзавот магазини ва иккита дўкон қурилсин.

19. Область план бошқармаси, область савдо бўлими ва область матлубот жамияти зиммасига ўн кун муддат ичида область ижроия комитетига 1959 йилда сабзавот, картошка, қовун-тарвуз тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш соҳасида, шунингдек бу маҳсулотларни реализация қилиш ва сақлашга қаратилган ўз таклифларини топшириш вазифаси юклатилсин.

20. Ўзбекистон КП Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгиер, Янгийўл шаҳар комитетлари, район партия комитетлари ва областнинг бошқа район ижроия комитетлари зиммасига мазкур тадбирларни шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, колхозчилар, совхоз ишчиларининг ва ёрдамчи хўжаликларнинг мажлисларида муҳокама қилишни уюштириш, аҳолини сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева билан тўла таъминлашга қаратилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.



Узбекистон ССР Фанлар академияси Кимё институтининг академик М. Набиев раҳбарлик қилаётган ўғитлар лабораторияси ходимлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида катта аҳамиятга эга бўлган тадқиқот олиб бормоқдалар. Суратда: илмий ходим Умринисо Иброҳимова лаборатория шароитида тайёрланган ғўзани озиқлантирадиган кальций селитраси ўғитини синаб кўрмоқда.

И. Гилден фотосн.

Янги китоблар

Узбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Ҳофиз ШЕРОЗИЙ — **«Ғазаллар».** 268 бет. тиражи 25.000. баҳоси 3 сўм 30 тийин.

Туроб ТЎЛА. — **«Танланган асарлар»** (шеърлар). 267 бет. тиражи 10.000, баҳоси 8 сўм 5 тийин.

Акмал ПЎЛАТ. — **«Тасаддуқ»** (қўшиқ ва ҳажвий шеърлар). 65 бет, тиражи 35.000, баҳоси 65 тийин.

«Сеҳрли нўзача» (хинд эртаклари асосида Н. Ходз болалар учун ишлаб чиққан). 158 бет, тиражи 30.000, баҳоси 5 сўм 65 тийин.

Авторлар коллективи. «Сценарий Узбекского кино». 286 бет. тиражи. 5.000, баҳоси 13 сўм 95 тийин.

Александр УДАЛОВ. — **«Биринчи қор»** (повесть). 100 бет, тиражи 15.000, баҳоси 1 сўм 15 тийин.

Бизга ёзадилар

Оржоникидзе районидаги 37- мактаб ўқувчилари билан қардош Қозоғистон ССР Сариоғоч районидаги 3-мактаб ўқувчиларининг учрашув кечаси бўлиб ўтди. Кечада ўқувчиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш соҳасидаги тажрибалар ўртоқлашилди. Иккала мактаб ўртасидаги дўстликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлашга, ўзаро алоқаларни кучайтиришга қарор қилинди. 37- мактаб ўқувчилари 3- мактаб ўқувчиларига эсдалик учун «Киев» фотоаппарати тақдим этдилар. 3- мактаб ўқувчилари эса ўз дўстларига ДТ — 54 маркали трактор совға қилдилар.

А. Ортиқов.

* * *

Тошкент шаҳар Маданият уйида Октябрь район Маданият Уйи бадиий ҳаваскорлик тўғараги раҳбари Шариф Салоевнинг санъат соҳасидаги фаолиятига 25 йил тўлишига бағишланган кеча ўтказилди. Кечада иштирок этган партия ва совет ташкилотларининг вакиллари, ҳаваскор санъаткорлар юбилярни қизғин табриклаб, ижодий ишларига муваффақият тиладилар. Кеча охирида ҳаваскорлар концерт қўйиб бердилар.

Н. Ҳакимова.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Район газеталари ғанишерчилар ҳаракатини кенг оммалаштирсин

Яқинда атоқли пахта устаси Ғанишер Юнусов ўз бригадаси аъзоларининг номидан областимиздаги барча трактор-далачилик ва далачилик бригадаларининг аъзоларига очиқ хат ёзиб, пахта ҳосилини кескин ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва бригадалар ўртасида 50 центнерчилар ҳаракатини кенг авж олдириб юборишга чақирди.

Бу ватанпарварлик ташаббус пахтакорлар томонидан зўр хурсандчилик билан қарши олинди.

— Қўшнимиз ва ҳамкасбимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов, — деб ёзади Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Бердибой Абдуллаев **«Колхоз меҳнати»** газетасида, — **катта масалани кўтариб майдонга чиқди. Ҳозир ҳаммамиз Ғанишерни қайта-қайта тилга оляпмиз. Ахир у, 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили олишнинг жуда тўғри йўлини режалабди ва шунга киришибди. Эшитиб жуда хурсанд бўлдим.**

Мен бошчилик қилаётган трактор-далачилик бригадасининг ер шароити ҳам, ишчи кучи ҳам дўстим Ғанишер бригадасидан фарқи йўқ. Бироқ ўтган йиллари агротехниканинг муҳим тадбирларини амалга оширишда анчагина камчиликларга йўл қўйганмиз. Ғанишернинг очиқ хатини бригадамизда муҳокама қилиб, ўз хатоларимизни аниқладик ва у айтган агротехника қоидаларига тўла қўшилдик. Биз қатор ораларида самарали ишлаб, ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили олишга сўз берамиз».

Донгдор пахтакорлар изидан бориб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг трактор-далачилик бригадаси аъзолари ҳар бир уядаги чигитни тўла ундириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. **«Янгийўл»** газетасининг ёзишича колхозчилар хато чиққан ерларга қайта чигит экиб, тўла гектар бўлиши учун курашмоқдалар.

Шу райондаги Киров номли колхоз раиси Ўртоқ Ж. Сафаров ўз мақоласида пахтани машинада теришнинг ғоят катта афзалликларини ўзи раҳбарлик қилаётган колхоз мисолида кўрсатиб берган. Колхозда пахтани машинада териш йилдан-йилга яхшиланмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида колхоздаги ҳосилнинг 40 процентга яқини машинада териб олинди. Ўртоқ А. Полюнина бошлиқ бригадада эса ҳосилнинг 70 проценти машинада терилди. Бу прогрессив метод меҳнат кунини кам сарфлашга ва пахта таннархининг анча пасайишига сабаб бўлди. Колхоз бўйича 1 центнер пахтанинг таннархи 254 сўмга етган бўлса, ўртоқ Полюнина бошлиқ бригадада 170 сўмдан ошмади.

Мақолада артель аъзолари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, бу йил 1180 гектар ернинг ярмидан кўпроғини машинада териб олишга пухта тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида кўпгина қизиқарли фактлар бор.

4-«Боёвут» совхозидаги хўжалик ҳисобида ишлаётган трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ А. Ҳайдаров Ғанишер Юнусов ташаббусини қўллаб-қувватлаб **«Пахта учун»** газетасида қуйидагиларни ёзади:

«Ўтган йили бригадамиз бўйича бир центнер пахта ҳосили етиштириш учун 111 сўм сарфланган бўлса, 1959 йилда механизациядан унумли фойдаланиб, ҳосилдорликни янада ошириб, бир центнер пахта етиштириш учун 80 сўмдан ортиқ харажат қилмаймиз. Ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб оламиз. Бу ишга ҳозирдан бошлаб пухта тайёрлана бошладик. Униб чиққан ерларда ғўзаларни икки томонлама парвариш қилишга киришдик».

Кўпчилик район газеталарининг янги сонларини варақласангиз уларда Ғанишер Юнусов бригадаси аъзоларининг ватанпарварлик ташаббусига кўшилиб, ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олган илғор бригадаларнинг иши ҳақида ёзилган материаллар кўзга ташланади. Газеталар Ғанишернинг юқори ҳосил етиштиришдаги бой тажрибаларини кенг оммалаштириб, колхозчи ва механизаторларнинг бутун куч ва ғайратини мўл ҳосил етиштиришга сафарбар қилаётирлар.

Ҳақиқатан ҳам 50 центнерчилик ҳаракатини оммавий равишда кенгайтириш ғоят катта аҳамиятга молик бўлган ишдир. Ҳамма бригада ва звенода ҳосилдорликни кескин ошириш учун сабот билан курашсак, мавжуд имконият ва ички резервлардан моҳирлик билан фойдаланса областимиз бўйича давлатга яна 10 мингларча тонна қўшимча пахта етказиб беришга муваффақ бўламиз.

Лекин айрим газеталарнинг редакциялари бунинг моҳиятига ҳали ҳам етарли аҳамият бермаётирлар. Кўп ҳолларда Ғанишер Юнусов каби пахта усталарининг бой тажрибаларини атрофлича кенг пропаганда қилишни унутиб қўймоқдалар. Ўрта Чирчиқ район **«Мўл ҳосил учун»** газетаси ана шундайлар жумласидандир. Газета кўпгина бригадаларнинг Ғанишер Юнусов ташаббусига қўшилганларини таъкидлаб, бу ҳақда қисман, юзаки, бир қолипда ёзилган материалларни босиш билан кифояланиб қолди.

Газета маҳаллий партия, совет ташкилотларининг 50 центнерчилар ҳаракатини оммалаштиришдаги вазифаларни конкрет мисолларда кўрсатмаётир. Юқори ҳосилли бригада бошлиқларининг иш тажрибаларини кенг ёйиш масалалари билан системали шуғулланмайди. Газетада босилган кўпгина материалларда ички резервлардан ва илғор агротехника фани ютуқларидан фойдаланиш масалаларига етарли эътибор берилмайди.

Газетанинг кейинги сонларидан бирида район партия комитетининг секретари Ўртоқ С. Мадалиев томонидан ёзилган «Ташаббусга қўшилдилар» сарлавҳали мақола ана шундай камчиликлар билан ёзилган. Мақола автори 50 центнерчилар ҳаракатининг афзалликларини кенг пропаганда қилиш, колхоз, совхоз партия ташкилотларининг бу соҳадаги вазифаларини кўрсатиш ўрнига, Карл Маркс номли колхоздаги икки бригада бошлиғининг узундан-узоқ сўзларини келтиришдан нарига ўтмаган. Албатта, бундай бўш, ҳаётни чуқур ўрганиб ёзилмаган юзаки материаллар озгина бўлса ҳам фойда бермайди.

Газета юзаки ёзилган хабарларга кўпроқ ўрин бериб, бригада бошлиқларининг, агроном ва ҳосилот совети раисларининг мақолаларини уюштиришни унутиб қўймоқда.

Бундай камчиликни Верхне-волинск район **«Коммунизм тонги»** газетасининг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Газетасинг бир сонида «Ғанишер Юнусовнинг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилмоқдалар» деган рубрика остида 5 хабар босилиб чиқди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бир қолипда ёзилган. Қанча гектар ерга чигит экилгани, кимлар нормани бажараётгани ҳақида фактлар рўйхат қилингану, илғорларнинг қўлга киритган ютуқлари ва тажрибалари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Бекобод район **«Коммунист»** газетаси (редактори ўртоқ Эгам Ҳатамов) пахтачиликдаги прогрессив методларни газета саҳифасида қониқарсиз пропаганда қилаётир. Пахтакорларнинг самарали меҳнатлари репортаж, очерк, зарисовкаларда ва қизиқарли мақолаларда ўз ифодасини топмаяпти.

«Коммунист»нинг 18 апрель сонида 13 хабар ва мақола босилган. Шундан 9 хабар дала ишларига бағишланган бўлиб, уларда бир йўла 15 бригаданинг иши ёзилган. Бу хабарларнинг ҳаммаси қайтарик. «Ғанишернинг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилдилар», «Ваъда бердилар», «Мажбурият олдилар», «Юқори ҳосил тошпириш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар» деган ибораларга зўр берилиб, бирон бригаданинг иши чуқур анализ қилинмаган.

Газета механизациядан унумли фойдаланишни пропаганда қилиш ўрнига «Йигитларнинг қўлидаги кетмон ялтираб, ер бағрига кираётгани» ҳақида кўпроқ ёзмоқда. Оққўрғон районидаги **«Сталинчи»**, Чиноз районидаги **«Ленин байроғи»** газеталарининг ишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.

Ғанишер Юнусов бошлиқ бригаданинг ташаббусини қувватлаб, кўпгина бригадалар самарали ишламоқдалар. Газеталаримиз пахтакорларнинг олган мажбуриятларини амалда қандай бажараётганларини доимо кузатиб туришлари, оммалаштиришлари зарур. Бу муҳим вазифани ҳар бир газета редакцияси унутмаслиги керак.

Партия комитетлари штатсиз инструкторларининг кенгаши

Яқинда шаҳар партия комитети шаҳарком ва райкомларнинг штатсиз инструкторлари кенгашини ўтказди.

Кенгаш штатсиз инструкторларнинг дастлабки даврдаги фаолиятига якун ясади. Бу ҳақда шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ И. Арнаутов доклад қилди.

Кенгашда штатсиз инструкторлардан Легчиков, Арзуманов, Паришкура ўртоқлар сўзлаб, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Шунингдек Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Тошкент области бўйича масъул ташкилотчиси Карин ва Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган штатсиз инструкторлар институти шаҳар партия ташкилотида ишни яхши йўлга қўйиш соҳасида катта иш қилаётгани, шу билан бир қаторда штатсиз инструкторлар билан ишлашда жиддий камчиликлар ҳам борлиги кўрсатиб ўтилди ва бундан сўнг штатсиз инструкторларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришга қаратилган таклифлар киритилди.

А. ЛАЙШЕВ.

Оммавий-сиёсий ишларни дала шийпонларига кўчирайлик

Хозирги кунда қишлоқ партия ташкилотларининг етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йилда барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашни, намунали ташкил этишдан кўра ҳам муҳим вазифаси йўқ.

Бу йил бизнинг районимиз меҳнаткашлари 12 минг тонна пахта ва 80 минг тонна каноп пояси етиштиришлари керак. Чорва молларининг сони анча кўпайиши ва уларнинг маҳсулдорлиги бирмунча ошиши зарур.

Районимиз колхозларида чигит экиш тамомланди. Мўл ҳосилнинг тақдири эндиликда ишнинг қандай ташкил этилишига боғлиқ. Шу туфайли бошланғич партия ташкилотлари колхозчилар ва совхоз ишчиларига чигит ҳамда луб экинларини қулай агротехника муддатларида тўла ундириб олиш ва парвариш қилиш мўл ҳосилнинг асосий гарови эканлигини кенг тушунтиришга алоҳида аҳамият бераётирлар.

Бу иш агитаторлар томонидан бевосита далачилик ва трактор-далачилик бригадаларида суҳбат ўтказиш, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг газеталарда маслаҳат тариқасида босилган мақолаларини ўқиб бериш йўли билан амалга оширилмоқда. Колхозларда ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бу вазифанинг уддасидан чиқадиган, сиёсий агитацияни ҳозирги куннинг асосий вазифалари билан боғлаб олиб бора оладиган кучли агитколлективлар мавжуд.

Буни Димитров номли колхоз бошланғич партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган агитколлектив мисолида кўриш мумкин. Партия ташкилоти (секретари ўртоқ Ли Черсу) жуда иноқ ва ишчан агитколлективни вужудга келтирган. Энг муҳими шундаки, агитколлектив составида бригада бошлиқлари, илғор колхозчилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари кўпчиликни ташкил этади. Улар умуман колхоздаги ва айрим ишлаб чиқариш участкаларидаги ишнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб турадилар. Чунки агитаторлар бевосита ана шу ерда иш олиб борадилар. Уларнинг ҳаммаси кундалик газета ва журналлар билан таъминлаб турилади.

Бундан ташқари партия ташкилоти вақти-вақти билан семинарлар ўтказади, семинарларда агитколлективнинг галдаги вазифалари белгилаб олинади. Айни вақтда агитаторлар халқаро аҳволда, мамлакат ҳаётида, республика, область ва район ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, қишлоқ хўжалик ишларининг бориши билан таништирилади.

Бу, партия ташкилотига агитаторларнинг фаолиятини янада яхшилаш ва кучайтириш, оммавий-сиёсий ишларни бевосита дала шийпонларига кўчириш имконини бераётир.

Колхознинг 12-бригадасида агитаторлик қилаётган ўртоқ Илеш Эргашев бригада аъзолари ўртасида КПСС XXI съездининг қарорлари ва етти йиллик план топшириқлари юзасидан суҳбатлар ўтказар экан, уларнинг эътиборини 1959 йил учун белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш катта аҳамиятга эга эканлигига жалб этди. Шу муносабат билан колхозда ва бригадада чигит экишни қисқа муддат ичида сифатли қилиб ўтказиш, уни тўла ва соғлом ундириб олиш етти йилликнинг биринчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш, бинобарин колхоз экономикасини мустаҳкамлашнинг асосий гарови эканлиги ҳақида содда ва ишонарли қилиб гапириб берди.

Бу хилда ўтказилган суҳбатлардан сўнг колхозчиларда КПСС XXI съезди томонидан қўйилган вазифаларнинг, етти йиллик планнинг тақдири ҳар бир корхона, колхоз ва совхозда ҳал қилинар экан, колхозчиларнинг ривожлантириш юзасидан тузилган перспектив план эса бригадада ишлаб чиқаришнинг қай даражада юксалишига, бу ишга унинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳиссага боғлиқ экан, деган таассурот қолди. 10-бригада агитатори Очил Турдиалиев ва бошқа ўртоқлар ҳам сиёсий агитация олиб борганда ана шундай методни қўлланмоқдалар.

Партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб борганда фақат агитаторлар дала шийпонларида ўтказаётган суҳбатлар, улар ўқиб бераётган газета ва журналлар билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Колхозда «Ленин йўли» деворий газетаси, бригадаларда «Жанговар варақа»лар, «Молния»лар мунтазам чиқариб турилади. Уларда илғорларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилади, етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун алоҳида намуна кўрсатиб ишлаётган бригадаларнинг аъзолари, механизаторлар ва чорвадорларнинг мақолалари, уларнинг унумли меҳнати ҳақида ҳамкасблари ёзган хабарлар бериб борилади. Айни вақтда айрим дангаса ва ишёқмаслар қаттиқ танқид қилинади, уларга жамоатчиликнинг фикри жалб этилади.

Бундан ташқари партия ташкилоти деворий газетадан агитколлектив фаолиятини янада кучайтириш, оммавий-сиёсий ишларнинг кўламини кенгайтириш ва унинг савиясини ошириш воситаси сифатида ҳам фойдаланаётир. Унда агитаторлар ишидаги яхши томонлар кенг кўрсатилади, баъзи агитаторлар фаолиятидаги камчиликлар ва унинг сабаби очиб ташланади.

Партия ташкилоти дала шийпонларида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишнинг бошқа форма ва воситаларида ҳам самарали фойдаланаётир. Кўргазмали агитация яхши йўлга қўйилган. Колхозчилар учун тез-тез лекция ва доклад ташкил этилади. Уларга ҳафтада уч марта кинофильм, ҳар ой сайин колхоз бадиий ҳаваскорлар тўғараги қатнашчиларининг концерти кўрсатилади.

КПСС XXI съезди қарорларини пропаганда қилиш, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришни яхши йўлга қўйган Ворошилов номли, Хрушчев номли, Энгельс номли, Сталин номли, «III Интернационал», «Коммунизм» колхозларининг партия ташкилотлари ва бошқа бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бу каби яхши натижага, даставвал, район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига кун сайин амалий ёрдам бераётгани сабабли эришилаётир.

Мисол учун яқинда район партия комитетининг бюросида КПСС Марказий Комитетининг «Сталин области меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарори муносабати билан Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилоти белгилаган тадбирлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Бу тадбирлар ва райком бюросининг қарори район газеталарида эълон қилинди. Барча бошланғич партия ташкилотларига Ворошилов номли колхоз партия ташкилоти белгилаган тадбирлар мисолида ишчилар ва колхозчилар ўртасида партия XXI съезди қарорларини пропаганда қилишни, умуман оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтиришни назарда тутиб, конкрет тадбирлар белгилаш тавсия этилди. Шу муносабат билан район партия комитети КПСС XXI съезди қарорларини ва материалларини пропаганда қилишни яхши йўлга қўйиш мақсадида агитколлективларнинг аъзолари, агитпунктларнинг мудирлари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари билан бир неча бор йиғилиш ва семинар ўтказди.

Шу билан бир қаторда айрим бошланғич партия ташкилотларида КПСС XXI съезди қарорларини пропаганда қилиш, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш соҳасида жиддий камчиликлар ҳам содир бўлмоқда. Бунга «Родина» колхози партия ташкилотини (секретари ўртоқ Пак Ен-хо) мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Колхозчилар ўртасида партия XXI съезди қарорлари жуда суст ва юзаки пропаганда қилинмоқда, улар етти йиллик план топшириқларидан, 1959 йил вазифаларидан тўла хабардор қилинмаган. Суҳбатлар юзаки, колхоз ишлаб чиқаришининг асосий вазифалари билан боғлаб ўтказилмаётир. Кўп ҳолларда агитаторлар газета хабарларини ўқиб бериш билан чегараланмоқдалар.

Колхозда деворий газета, «Жанговар варақа»лар чиқарилмайди, кўргазмали агитация йўлга қўйилмаган. «Гуль» каноп-жут заводи, «Новая жизнь» заводи, «Қизил шарқ», Буденний номли колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ҳам ана шу каби камчиликлар содир бўлмоқда.

Район партия комитети КПСС XXI съезди қарорларини пропаганда қилиш, ме

Беғам раҳбарлар, қалбаки маълумотлар тўғрисида

Бу йил «Гулистон» совхози раҳбарлари ҳар гектар ердан 12 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 2400 тонна пахта сотиш мажбурияти олганликларини тантанали равишда билдирган эдилар. Мажбурият олинишга олинди-ю, уни амалда бажариш учун ҳозирдан пойдевор қуришни таъминлаш уларнинг эътиборидан четда қолди.

Шу кунгача бажарилган ишларни олинган мажбуриятга яраша деб бўлмайди. Аввало совхоз дирекцияси ва бошланғич партия ташкилоти кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш вақтида раҳбарликни бўшаштириб юборди. Натижада ерни шудгорлаш, яхоблаш, текислаш ишлари сифатсиз бажарилди, далага гўнг чиқариш қониқарсиз ўтказилди. Шу сабабли чигит экиш даврида кўп қийинчиликларга дуч келинди.

Аслида бажарилган 10 процентга 0 ни улаб, квадрат-уялаб чигит экиш планини 100 қилиб «кўрсатмоқчи бўлган» уддабуронга тасанно!

Н. Меламед чизган расм.

Совхознинг 2, 3, 4-бўлимларида ишланмаган, нами қочиб серкесак бўлиб қолган ерларга чигит экилди. Совхозда барча имкониятлар мавжуд бўлгани ҳолда квадрат-уялаб чигит экишга жуда масъулиятсизлик билан қаралди. Бунинг устига районга қалбаки маълумотлар берилиб, ҳақиқий аҳвол бўяб кўрсатилди. Масалан, 3- бўлимдаги ўртоқ Ч. Эсалиев бошлиқ бригаданинг 40 гектар ерига квадрат-уялаб чигит экилиши лозим эди. Районга берилган маълумотда бу планнинг тўла бажарилганлиги дангал кўрсатилган. Ҳақиқатда эса фақат 9 гектар ерга квадрат-уялаб, қолган 31 гектар ерга эса оддий усул билан чигит экилган.

Шу бўлимдаги ўртоқ Абдуғани Аҳмедов бошлиқ бригадада пландаги 41 гектар ўрнига фақат 16 гектар ерга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилган. Бироқ бўлим бошқарувчиси ўртоқ Темир Раҳимов буни яхши билгани ҳолда, «бригадада квадрат-уялаб чигит экиш планини бажаридик», деб маълумотга гажакдор қилиб қўл қўйворган.

Совхозда тўла гектар учун кураш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Трактор-далачилик бригадаларида мўл ҳосил етиштириш учун етарли даражада кураш олиб борилмаяпти. Мавжуд бешта трактор-далачилик бригадасининг ҳаммасида ҳам чигитни квадрат-уялаб экиш юзасидан берилган планга амал қилинмади.

Ўртоқ Қаҳҳор Йўлдошев бошлиқ трактор-далачилик бригадасида пландаги 70 гектар ўрнига 20 апрелгача фақат 15 гектар ерга режа сими тортиб чигит экилди, 1-бўлимнинг 80 гектар ерга янги усулда чигит экиши лозим бўлган ўртоқ Виктор Королев бошлиқ трактор-далачилик бригадасида эса 21 апрель куни экиш бошланди. Аммо совхоз раҳбарлари, хусусан унинг директори ўртоқ Мажит Ғаниев ва бошланғич партия ташкилотининг секретари Шимаков ўртоқлар қалбаки маълумотлар гирдобида ўралиб, ҳамон бепарво юрибдилар. Агар иш шу аҳволда бораверса, олинган социалистик мажбурият қандай қилиб бажарилар экан?

«Гулистон» совхозида оммавийсиёсий ишлар ҳам яхши ташкил қилинмаётир. Далачилик ва чорвачилик бригадаларида партия XXI съезди материалларини тушунтириш яхши уюштирилмаган.

Ерлар кузда яхобланмагани сабабли совхозда шўр ерлар кўпайиб кетган. Ана шундай ерларда ғўза сийрак бўлиб қолиши назарда тутилиб, яна 200-300 гектар ерга қўшимча равишда чигит экиш мўлжалланган эди. Бироқ бу ишга ҳам ҳали киришилгани йўқ.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш учун муҳим тадбирларни амалга оширишлари, чигит униб чиққан ерларда дарҳол биринчи парваришга киришишлари, лозим бўлган карталарга чигит суви беришни бошлаб юборишлари керак.

К. КИМ,
Область партия комитетининг инструктори.

Эътиборсизликка хотима бериш керак

ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ БОШҚАРМАСИ КОРХОНАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ СУДРАЛМОҚДА

Яланғочдаги 2- ғишт заводлари бошқармаси Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати бошқармасига қарашли йирик корхоналардан ҳисобланади. Ғишт заводларида тайёрланаётган маҳсулот республикамизнинг турли район ва шаҳарларида олиб борилаётган қурилишларга етказиб берилади. Бошқарма коллективи зиммасига Оҳангарондаги район давлат электростанцияси, Чирчиқ, Ургенч, Тахиатош, Мирзачўл ва бошқа ерларда олиб борилаётган йирик қурилишларни ғишт билан таъминлаб туриш каби масъулиятли вазифа юклатилган.

Коллектив бу вазифани қандай бажараётир? Тўппа-тўғри айтиш керакки, корхона давлат планларини сурункасига бажармаётир. Ўтган йили олинган социалистик мажбурият уёқда турсин, ҳатто план ҳам адо этилмади. 1958 йил топшириғи 97 процент бажарилди, холос. Натижада муҳим қурилишларга белгиланганига нисбатан бир неча юз минг дона ғишт кам етказиб берилди. Бу ўз навбатида қурилиш ишлари суръатини оширишга салбий таъсир қилди.

Бу йил коллектив олдида ғишт ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш бўйича янада каттароқ вазифалар турибди. 1959 йилда қурилишларга 36 миллион дона ғишт етказиб берилиши керак. Бу миқдор эса ўтган йилдагига қарганда анча кўпдир. Бошқармада бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Аммо бошқарма маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллективни ўз олдида турган масъулиятли вазифаларни бажариш ишига сафарбар қилиш йўлида етарли иш олиб бормаётирлар. Ишчиларнинг унумли ишлаши учун шароит яратиб бериш, улар орасида индивидуал ва коллектив мусобақани қизитиш, ҳар бир ишчининг ўзига топширилган вазифага нисбатан масъулиятини оширишга эътибор берилмаётир. Бошқарма раҳбарлари ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни барта ф қилиш учун тегишли чоралар кўрмаётирлар. Буларнинг ҳаммаси ғишт ишлаб чиқариш топшириқларини бу йил ҳам қониқарсиз бажарилишига сабаб бўлмоқда. Буни биринчи кварталдаги иш якунларида яққол кўриш мумкин.

Биринчи квартал плани 80,9 процент бажарилди, холос. Шу вақт ичида қурилиш объектларига белгиланганидан 1 миллион 723 минг дона ғишт кам етказиб берилди.

Бошқарма заводларида маҳсулот сифатини яхшилаш учун кураш олиб борилмаётир. Ғиштни қолиплаш ва уни пишириш технологиясига қатъий амал қилмаслик, айрим вақтларда технологиядан четга оғиш ҳоллари юз бермоқда. Натижада маҳсулот сифати пасайиб кетаётир, кўплаб бракка йўл қўйилмоқда. Бу эса ҳақли равишда қурилиш ташкилотларининг норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Корхонада тайёрланаётган пишиқ ғиштнинг ками билан 71 проценти «100» маркаси билан чиқарилиши белгиланган эди. Амалда эса бундай бўлмаётир. Бу марка билан ишлаб чиқарилаётган ғишт ялпи маҳсулотнинг фақат 63,6 процентини ташкил этмоқда. Бунинг эвазига паст маркали ғишт ишлаб чиқариш белгиланганидан кўпайиб кетди. Масалан, шу йилнинг биринчи кварталда «75» маркали ғишт пландаги 27,7 процент ўрнига 33,5 процент, «50» маркалиси эса 1,3 процент ўрнига 2,9 процент миқдорида тайёрланди. Паст сифатли маҳсулотнинг кўпайиб кетиши ва ошиқча бракка йўл қўйилиши натижасида ғиштнинг таннархи белгиланганидан қимматлашиб кетди.

Печнинг ҳар кубометридан ғишт олиш топшириғи ҳам кўнгилдагидек адо этилмаётир. Печь майдонларига ғишт тахлашда илғор методларни қўлланмаслик, бу соҳада ишлаётган кишиларнинг малакасини оширишга эътибор бермаслик натижасида ҳар кубометрдан олинаётган ғишт миқдори ҳатто ўтган йилда эришилган даражадан ҳам камайиб кетди. Биринчи кварталда печнинг ҳар кубометридан ўрта ҳисобда 1180 донадан ғишт олинди. Бу эса пландагидан 161 та камдир.

Бундай камчиликларнинг содир бўлишига олиб келаётган асосий сабаблардан бири ишлаб чиқариш маданиятига, илғор методларни қўлланишга, печлар қувватидан унумли фойдаланишга етарли аҳамият берилмаётганлигидир. Ҳаммаёқда ғишт парчалари, тупроқ уюмларини кўрасиз, олинган кўмир эса очиқ ҳавода сочилиб, исроф бўлмоқда. Бу ишчиларнинг нормал меҳнат қилишига маълум даражада салбий таъсир қилмоқда.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошқарма заводларини реконструкция қилиш ишларининг ҳаддан ташқари чўзилиб кетаётганлиги ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Совнархоз бинокорлик материаллари саноати бошқармаси ғишт пиширишга печлари, камерали сушилкалар, карьер ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини реконструкция қилиш учун ўтган йилнинг ноябрь ойида 1 миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш ихтирослаштирилган «Цементплострой» бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Н. С. Лесин)га юклатилди. «Цемтеплострой» бошқармаси раҳбарлари дастлабки вақтларда реконструкция ишига қизғин киришдилар. Белгиланган ишларни ўз муддатида муваффақиятли бажариш учун етарли ишчи кучи ва механизмлар ажратдилар. Аммо орадан бир ойча ҳам вақт ўтмасдан енг шимариб бошланган бу иш анча бўшашиб кетди, у ердаги ишчилар сони камайтирилди, уларнинг кўплари бошқа объектларга кўчирилди. «Цемтеплострой» бошқармаси раҳбарларининг бундай хатти-ҳаракатлари натижасида реконструкция ишлари деярлик икки ой давомида тўхтаб қолди. Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг ноябрь, декабрь ойларида ҳаммаси бўлиб 60 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, холос.

Реконструкция ишларининг суръати шу кунларда ҳам секин бораётир. Охирги марта белгиланган графикка асосан ғишт заводлари бошқармасининг барча объектларини 25 апрелгача тўла реконструкциядан чиқариш лозим. Аммо ҳали корхонанинг бир қанча объектларида қайта тиклаш ишлари тугалланганича йўқ. Бунинг учун ажратилган маблағнинг ярмидан сал кўпроғигина ўзлаштирилди.

Шу вақтгача 2-печнинг бузилиб кетиш олдида турган 3 тагина камераси ремонт қилинди. Қолган 15 камерасига қўл ҳам тегизилгани йўқ.

Корхонада жуда катта ишлар амалга оширилиши керак. Жумладан, камерали сушилкалар реконструкция қилиниши, юзларча кубометр ҳажмда ер ишлари бажарилиши, траншеялар қазилиши, электр симлари, трубалар, вентилятор, электр моторлари монтаж қилиниши лозим. Реконструкция тезлаштирилмас экан, бу объектлардаги ишлар яна бир неча ойга чўзилиши мумкин. Бу эса етти йилликнинг муҳим қурилишларини қимматли бинокорлик материали — ғишт билан таъминлашни қийинлаштириш, объектларни фойдаланишга топшириш муддатларининг чўзилиб кетишига олиб келади.

Реконструкция ишларининг бу хилда бораётганлигидан Тошкент Совнархози бинокорлик материаллари саноати бошқармасининг раҳбарлари яхши хабардор. Аммо улар «Цемтеплострой» бошқармаси раҳбарларига нисбатан етарли талабчанлик қилмаётирлар. Эндиликда бу эътиборсизликка хотима бериш, 2- ғишт заводлари бошқармасини реконструкция қилишни тезлаштириш учун мумкин қадар тезроқ амалий чоралар кўриш керак.

М. МИРҲАМИДОВ.

РЕПОРТАЖ

Колхоз қишлоғи оқшоми

Иссиқ баҳор қуёши осмонни олов рангига бўяб, аста бота бошлади. Ёқимли шабада эсиб, кишига роҳат бахш этади.

Самарли, қувноқ меҳнатдан кейин ўзингни жуда енгил хис қиласан киши. Коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров ҳам бугунги ишидан ҳурсанд бўлиб уйига қайтди. Уни қизчаси Раъно қувонч билан кутиб олар экан:

— Дадажон, бугун тамошага борамизми, борамиз-а, — деди эркаланиб.

— Албатта, қизим. Машинани артиб қўяй. Унгача аянг ҳам келиб қолар. Ҳаммамиз борамиз.

Оила аъзолари жам бўлиб, овқатланишгач, колхоз қишлоғидаги тамошагоҳларда маданий ҳордиқ чиқаргани кетишди. Улар дарахтзор қўйнида яшнаб ётган дам олиш уйига келишди. Одам кўп дарвозадан кириш билан йўлнинг икки чеккасида «Волга», «Победа», «Москвич» автомашиналари, велосипедлар, мотоцикллар қатор турибди. Буларда колхоз аъзолари келишган. Мана улар ҳозир шинам қилиб безатилган хоналарда дил тортар дўстлари билан суҳбатлашмоқдалар, шахматшашка, биллиард ўйнамоқдалар. Радио, телевизор ҳам ишлаб турибди. Газета ва журналларнинг янги сонлари, севимли китоблар ҳам бор... Соя-салқин боғда йигит-қизлар сайр қилиб юришибди. Клубда эса янги бадиий фильм қўйилади. Бу ерда колхозчиларнинг дам олиш пайтларида ва меҳнат отпускасига чиққанларида вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун ҳамма имконият бор.

Бугун буерда концерт бўлар экан. Анвар ака оиласи билан концертга кирадиган бўлди. Улар залга киришганида конферансьелик қилувчи колхоз почтальони Олим Каримов эндигина дастлабки номерни, «Бахт» қўшиғини ва ижрочининг номини эълон қилиб бўлган эди. Улар бўш жойга ўтириб, тамоша қила бошладилар. 6-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ақида Ҳасанованинг ёқимли овози ҳамманинг эътиборини тортди. У «Сарви гулрў келмади», «Хаёлим сенда», «Гули ҳандонам», каби қўшиқларни ҳам моҳирлик билан ижро этиб, олқишларга сазовор бўлади.

Саҳнага турли касбдаги ҳаваскорлар чиқадилар. Шофер Қудрат Иброҳимов рубобни, аравакаш Усмонжон Тўхтапўлатов доирани янгратиб «Роҳат», «Дутор баёти» ва «Гул гунча» куйларини маҳорат билан чаладилар. Пиллачилик бригадасининг аъзоси Муаззам Хидирова, мактаб ўқувчиларидан Нурия Ортиқметова, Вазифа Халиловалар «Тановар», «Дилбар» рақсларини ижро этадилар.

Тилаш Хўжамқулов раҳбарлик қилаётган бадиий ҳаваскорлик тўгараги тайёрлаган концерт программаси колхозчиларга жуда манзур бўлди. Коллектив қўшни колхозларда, «Ташавтомаш» заводи клубида ҳам концертлар бераётир. Улар баҳорги дала ишларини қизитиб юборган илғор бригадаларнинг дала шийпонларида ҳам концертлар бермоқдалар. Колхоз правлениеси яқинда турли чолғу асбоблари олиш учун ўн минг сўм пул ажратди.

Анвар ака ҳам колхоз ҳаваскорларидан мамнун бўлиб, уйига қайтар экан, тўқ ва фаровон турмуш кечираётган колхозчиларнинг ҳаёти ҳақида гамхўрлик қилаётган партия ва ҳукуматга ташаккур айтарди, етти йилликнинг биринчи баҳориданоқ фидокорона меҳнат қилиб, гамхўрликка амалий иш билан жавоб бериш ҳақида ўйларди. Еппасига радиолаштирилган, электрлаштирилган, обод ва кўркам Дўрмон қишлоғи меҳнаткашларининг оқшоми ана шундай завқли ўтмоқда.

Ш. ШЕРАЛИЕВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

Заводга ёрдам берилди

Газетамизнинг шу йил 11 март сонида «Завод ёрдамга муҳтож» сарлавҳа билан босилган мақолада Янгийўл шаҳридаги «Нормаллар» заводининг ишида жиддий камчиликлар юз бераётгани танқид қилинган эди.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик саноати бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ш. Хўжаевнинг редакцияга маълум қилишича, мақолада келтирилган камчиликлар завод ишида ҳақиқатан ҳам юз бериб келган ва бунга машинасозлик саноати бошқармаси ва завод дирекциясининг корхона ишига етарли даражада оператив раҳбарлик қилмагани сабаб бўлган.

Кўрилган бир қатор тадбирлар, яъни заводни ускуна ва материаллар билан таъминлаш, корхонанинг ўзида асбоблар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши, ҳисоб-китоб ишларининг тартибга солиниши натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг анча арзонлаштирилишига эришилган.

Заводнинг ўзида металл чўзиш участкаси қурила бошланган. Заводга қўшимча равишда асбоб ишланадиган пўлат ҳамда ускуналар ажратиб бериш чоралари кўрилган. 560 киловатт кучидаги электр подстанциясини ишга тушириш, ситиш тармоқларини монтаж қилиб тамомлаш, қурилиш-монтаж ишларини тугаллаш, пресс цехининг ускуналарини қайта планлаштириш, қаттиқ қотишмалардан ясалган асбобларни жорий қилиш, янги тип метизлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан аниқ муддатлар белгиланган.

Тайёргарлик кучайтирилди

Бекобод районидаги Ленин номли колхозда бу йил 2400 гектар ерга чигит экилди. Ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти олинган. Механизаторлар, колхозчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли чигит экиш муваффақиятли тугалланди. Колхоз плавлениеси квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан белгиланган планнинг бажарилиши учун барча тадбирларни кўрди.

Колхознинг ўртоқ А. Мусурмонқулов бошлиқ бригадасида чигит экиш уюшқоқлик билан ўтказилди. Бу бригадада 70 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди. Илғорлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун чигит униб чиққан ерларда ғўза парваришини кучайтириб юбордилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чигитни текис ундириб олиб, ҳамма ерда ғўза парваришини қизғин бошлаб юбориш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Дзержинский номли колхозда ҳам ғўза парваришини кучайтириб юбориш тадбирлари амалга оширилмоқда.

А. МУМИНОВ,
Р. ЮНУСАЛИЕВ.

Дачалар посёлкаси қурилиши кечиктирилмоқда

Тошкент атрофи ўзининг кўркам боғлари, хушманзара жойлари билан қадимдан донг таратиб келган. Ана шу ерларда жойлашган санаторийлар, дам олиш уйлари, шифохоналар ва пионер лагерларида ҳар йили минглаб кишилар ҳордиқ чиқарадилар.

Кейинги йилларда Тошкент атрофида якка тартибда ва коллектив бўлиб кўплина дачалар қурилди.

Ҳалқимизнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий талабларини тўлароқ қондириш мақсадида республика Министрлар Совети ўтган йили Троицк посёлкаси қўнинда дачалар қуриш ва уларни меҳнаткашларга сотиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Икки-уч хонали 300 га яқин дачадан иборат бўлган бу посёлкани икки йил мобайнида, яъни 1959-1960 йиллар ичида қуриб битказиш ва фойдаланишга топшириш мўлжалланди. Бош пудратчи қилиб Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги белгиланди.

Планга мувофиқ 1959 йилда қурилиш учун ажратилган маблағнинг 5 миллиони ўзлаштирилиши лозим эди. Қурилишни кенг авж олдириб юборишдан аввал ер ажратиш, план тузиш, проект-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудратга олган ташкилот билан шартнома тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда қурилиш ташкилотига аванс сифатида пул ўтказиш керак.

Аммо заказчи — Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси дачалар посёлкаси қурилиши билан ҳалигача чинакамига шуғулланмаётир. Бинокорлик ташкилотларини зарур ҳужжатлар ва маблағ билан таъминлашни тобора судрамоқда.

Ҳа демай ёз келади. Вақт кутиб турмайди. Капитал қурилиш бошқармаси посёлка қурилишини кенг авж олдириб юборишга халақит бераётган барча тўсиқларни тезликда бартараф қилиши керак.

Я. ТОЛСТОНОГОВ,
160-қурилиш трестига қарашли 229-УНР план бўлимининг бошлиғи.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

Газетанинг ёрдами билан

Меҳнат инвалиди, пенсионер ўртоқ Исмат Обидов редакциямизга хат ёзиб, Октябрь район коммунал хўжалиги бўлими унга қарашли ер участкасини ғайри қонуний равишда бошқа шахсларга бириктиб бергани, бу тўғрида район ташкилотларининг раҳбарларига мурожаат қилинса ҳам ҳеч қандай чора кўрилмаслигидан шикоят қилган эди.

Шаҳар партия комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири ўртоқ Рацульскийнинг редакцияга маълум қилишича, шикоятда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Октябрь район ижроия комитети Исмат Обидовнинг ер участкасини Х. Жалиловга бириктиб бериш ҳақидаги шартномани бекор қилиб, участкани эгасига қайтариб берган.

ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ИШЛАШНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

Б. Г. МИРЗАБЕКОВ,
Область ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Областимиз колхоз ва совхозлари олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашиб, дастлабки ютуқни қўлга киритдилар, областимизда чигит экиш ўтган йилдагига қараганда 15 кун илгари тугалланди. Шуниси қувонарлики, бу йил колхоз ва совхозларда ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш ҳамда ҳосилни машинада териб олиш мақсадида режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экилган майдонлар анча кенгайтирилди. Барча пахта майдонининг ярмидан кўпроғи, яъни 100 минг гектардан ортиқ ерда ана шу прогрессив усул қўлланилди.

Янги прогрессив агротехникани ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиб, илғорларнинг тажрибасига асосланган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Янгийўл районидаги Ленин номли, Боёвут районидаги «Коммунизм», Карл Маркс номли колхозлар ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Меҳнатни ташкил қилишнинг янги формаси — трактор-далачилик бригадаларининг сафи кенгайганлиги илғор колхоз ва совхозларда чигит экишни қисқа муддатда сифатли қилиб тугаллаш, меҳнат харажатларини бирмунча тежаш имкониятини берди. Областда ўтган йили 286 та трактор-далачилик бригадаси бор эди, эндиликда уларнинг сони 900 тага етказилди.

Бу йил областимизда 91 минг гектар ердаги ғўза кетмонсиз парвариш қилинади. Ҳозир колхоз ва совхозларда бу ишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. 3-«Боёвут» совхозида эса барча майдондаги ғўза кетмонсиз, механизация ёрдами билан парвариш қилинади.

Машҳур пахта усталари Валентин Тюпко, Насиб Бекиров, Василий Бибаров, Мустафо Чачи сингари пахтачиликни комплекс механизациялаштириш йўлида тинмай курашаётган илғорларни эндиликда ҳар бир колхоз ва совхозда учратиш мумкин. Булар етти йиллик планг биринчи йилида олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун кенг қўламда авж олдириб юборилган социалистик мусобақанинг олдинги қаторида бормоқдалар

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 460 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Ҳозир ана шу мажбуриятимизнинг бажарилишини таъминлайдиган энг масъулиятли кунлар келди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Чигитни текис ундириб олиш ва ғўза парваришини кучайтириб юбориш тўғрисида»ги қарорида белгиланган тадбирларни эгчиллик билан амалга ошириш ҳар бир колхоз ва совхоз пахтакорларининг асосий бурчидир. Бунинг учун марза ва бурчакларга қўшимча чигит экиб, тўла гектар бўлишини таъминлаш, чигит текис униб чиққан майдонларда эса ғўзанинг биринчи парваришини ҳар тарафлама кучайтириб юбориш зарур. Ҳозир областимизда 50 процентдан ортиқ ерда чигит униб чиқди. Бўка, Янгийўл ва бошқа бир қатор районлардаги илғор колхозлар ғўза парваришини кучайтириб юбориш билан бирга, тўла гектар бўлиши учун курашиб, бошқаларга ибрат бўларли иш қилмоқдалар. Шуни унутмаслик керакки, биз барча майдонда чигитни тўла ундириб олгандан кейингина экиш кампаниясини тугалланган деб ҳисоблашимиз керак. Областимизда узоғи билан 5-10 майга қадар ғўзанинг дастлабки парваришини тугаллаш. Ўсимликнинг нормал ривожланиши учун барча агротехника тадбирларини ўз вақтида комплекс ўтказишимиз лозим.

Маълумки, кейинги кунларда ҳаво иссиқ келиб, тупроқнинг юза қатламидан нам қочиб кетди. Шу муносабат билан чигит суви беришни муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Демак, агрономларимиз, бригада ва звено бошлиқлари гупроғи ҳаддан ташқари қуриб кетган ерларни аниқлаб, бу ерларга чигит суви беришни кучайтириб юборишлари зарур. Бу тадбир ўз вақтида сифатли бажарилса, барча майдонларда чигитнинг ёпишасига униб чиқишини таъминлаган бўламиз.

Областимиздаги илғор колхозларда ва совхозларда худди шундай қилинмоқда. Техникани тахт қилиб қўйган хўжаликлар чигит экиш тугалланиши биланоқ дарҳол ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Янгийўл районидаги Ленин номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», Боёвут районидаги Карл Маркс номли, Бекобод районидаги «Пэбеда» ва бошқа бир қатор хўжаликларнинг далаларида трактор культиваторлари тинимсиз ишлаб турибди. ғўза қатор ораларига ишлов бериш агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда.

Ҳозир барча универсал тракторлар экишдан бўшали. Демак, ҳозирги пайтдаги муҳим вазифа яқин 2-3 кун ичида мавжуд культиваторларни ана шу тракторларга тиркаб, ишга тушириб юборишдан иборат. Бу соҳада ёз бўлса-да, сусткашликка, масъулиятсизликка йўл қўйиш ёмон натижаларга олиб келади: культивация кечикиб ўтказилса, далаларда бегона ўт кўпайиб кетади ва бу ғўзанинг ривожланишини кечиктириб юборишги мумкин.

Бироқ, текшириш натижасида шу нарса аниқландики, бу соҳадаги ишларда бирмунча сусткашликка йўл қўйилмоқда. Область колхозларида 1477 культиваторлдан ҳозиргача фақат 400 га яқини дала ишларига тайёрланган 400 дан ортиқ культиватор тракторларга тиркалиши ўёқда турсин, ҳатто етарли миқдордаги деталлар билан таъминланмаган.

Бу жиҳатдан Чиноз районидаги колхозлардаги ҳозирги аҳвол талабга жавоб берарли даражада эмас. Районда чигит экиш тугалланганлигига бир неча кун бўлишига қарамасдан, район колхозларининг кўпчилигида культиваторлар ҳали ҳам ишга тушириб юборилгани йўқ.

Бундай фактларни Юқори Чирчиқ, Гулистон, Мирзачўл районларидаги колхозларда ҳам учратиш мумкин. Район раҳбарлари ғўза қатор ораларини ишлашни ташкил қилишда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область қишлоқ хўжалиги таъминот бўлими колхозлар, РТСларни культиватор учун керак бўлган деталлар билан таъминлаш соҳасида ҳам зарур тадбирларни кўрмаётирлар. Шунинг учун ҳам кўпгина колхозларда культиваторларни мустаҳкамлаш учун болтлар, деталлар етишмайди.

Оталиқ ташкилотлари ҳозирги пайтда колхозларга катта ёрдам беришлари керак. Район партия ташкилотлари ғўза қатор ораларини ишлашни кучайтириб юборишлари учун культиваторларни тахт қилиб қўйиш мақсадида ана шу оталиқдаги ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш тўғрисида дуруст гамхўрлик қилмаётирлар. Бу соҳадаги камчиликларни тезда тугатиш, барча культиваторларни ишга тушириб юборишдан иборат. Бундай қилинса ғўзани яганалашни ўз вақтида ўтказиш, бегона ўтларни йўқотиб, ғўзанинг биринчи парваришини белгиланган муддатда тугаллаш мумкин бўлади.

Бу жиҳатдан Ўрта Чирчиқ районининг колхоз ва совхозлари муҳим ташаббусни бошладилар. Улар ғўзанинг биринчи цикл парваришини қисқа муддатда тугаллашга қаратилган барча тадбирларни кўрмоқдалар. Ўрта чирчиқлик пахтакорларнинг ташаббусини ҳамма ерда қизғин қўллаб-қувватлаб, бу район илғорларининг тажрибасини областимиз колхоз ва совхозларида кенг ёйиш зарур.

Мўл ҳосил етиштиришда ғўзани эрта муддатларда озиқлантириш катта аҳамиятга эга. Тажриба ва фан шуни исботладики, ғўза ривожининг дастлабки даврларида ўсимлик азот ўғити билан қанчалик кўп озиқлантирилса ривожланиши шунчалик тезлашади, эрта муддатларда шоналайди, гуллайди, ҳосили ҳам анча олдин пишиб етилади.

Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар биридан унумли фойдаланиб, ҳамма колхоз ва совхозларда ғўзани эрта муддатларда озиқлантиришни кучайтириб юбориш, бу ишни ғўзанинг биринчи парвариши билан бир вақтда ўтказиш лозим. Бунинг учун областимиз колхоз ва совхозларида барча имконият бор. Етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитга эгамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, колхоз ва совхозлар йиллик фондиниг 80 проценти миқдоридаги минерал ўғитни яқиндагина ташиб бўлдилар. Демак вазифа шундан иборатки, бу йил катта майдонларда экиш олдидан ерга етарли миқдорда ўғит солинмай қолганлигини ҳисобга олиб иш юритиш, мавжуд резервлардан унумли фойдаланиб, ғўзани эрта муддатларда озиқлантиришни сифатли ўтказиш лозим. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, район қишлоқ хўжалик инспекциялари бу муҳим агротехника тадбирларининг бажарилиши устидан доимий контроллини қатъий йўлга қўйишлари талаб қилинади.

Ўтган йили қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳосилга катта зарар етказди. Бу йил ана шу зарарнинг олдини олиш учун қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари учун ҳозир зарур тадбирларни кўриш керак. Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, Оржоникидзе, Пискент районларидаги колхозларда ҳозирданоқ ўргимчаккана, шира, кузги тунлам сингари зараркунандалар тарқалган. Агар буларга қарши ўз вақтида курашилмаса кўпайиб кетиб, ҳосилга катта зарар етказиши мумкин. Район ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ғўза парвариши соҳасидаги ишларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш билан боғлаб олиб боришлари зарур. Бу ишни ҳамма ерда ҳам кучайтириб юбориш керак. Областимизда бунинг учун барча имкониятлар бор. Колхоз ва совхозлар етарли миқдорда заҳарли химикатлар ва аппаратларга эга. Қишлоқ хўжалик органлари мана шу аппаратлар ва химикатларни ишга солиб, зараркунандаларнинг уруғини қуритиб юбориш учун шошилинч чоралар кўришлари лозим.

Ғўзанинг биринчи цикл парваришини қисқа муддатларда ўтказишни таъминлайдиган юқоридаги сингари ишларни ўз вақтида бажариш бригада ва звеноларда ишнинг пухта уюштирилишини талаб қилади. Колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари буни унутмасликлари керак, ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган барча ишларнинг тезроқ тугалланиши учун ҳамма ерда социалистик мусобақани кучайтириб юборишлари, шу билан бирга механизаторлар, колхозчиларга барча қулайликларни яратиб беришлари лозим. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг унумли меҳнат қилишларини таъминлаш учун биринчи навбатда дала шийпонларини тартибга келтириш, иссиқ овқат уюштириб, оммавий агитация ишларини қизитиб юбориш керак. Лекин фактлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина колхоз ва совхозларда дала шийпонлари ҳалигача тартибга келтирилмаган. Радио йўқ, газета ва журналлар келтириб турилмайди. Кўпчилик жойларда эса умумий овқатланиш ташкил қилинмаган. Партия ва совет ташкилотлари бу ишни ҳамма ерда ташкил қилишни тезда амалга оширишлари, колхозчилар, совхоз ишчилари, айниқса механизаторларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб беришлари лозим. Дала ишларини ташкил қилишда ҳеч қандай узилишга йўл қўйиш ярамайди. Чигит экишни муваффақиятли тугаллагандан сўнг ғўза қатор ораларини ишлашга чинакамига киришмаган, бу соҳада катта узилишларга йўл қўйётган баъзибир колхоз раислари ва совхоз раҳбарларининг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралаш керак.

Ҳозир ҳар бир соат ғанимат. Ундан унумли фойдалана билиш лозим. Биз барча майдонларда чигитни текис ундириб олиб, ғўзанинг биринчи цикл парваришини ўз вақтида ўтказсак мўл ҳосил етиштириш йўлидаги дастлабки шартни бажарган бўламиз.

Социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текширишни ҳозирги кузларданоқ кучайтириб юборишлар зарур. Бригада ва звеноларарo, колхозлар ва районларарo ўтказиладиган бундай текширишлар камчиликларни вақтида аниқлаб, уни тугатишга барча ишчи кучларини сафарбар қилиш имкониятини беради.

Район партия, совет ташкилотлари, қишл

Пойтахтимизни янада обод ва кўркам қиламиз!

ТОШКЕНТНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

☆ ☆ ☆

Умумхалқ иши

Ўзбекистон медицина ходимлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун бутун совет халқи билан биргаликда курашиб, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш, профилактика ва даволаш ишларини яхшилашда ҳозироқ анча ютуқларга эришдилар. Партиямизнинг XX съездидан буён ўтган давр ичида даволаш-профилактика, санитария-эпидемиология ва аптека муассасалари тармоғи анча кенгайди, медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди, касалхоналардаги ўринлар, болалар боғчаси, яслилар кўпайди. Совет Ўзбекистонида кўпгина юқумли касалликлар тугатилди, туғилиш кўпайиб, ўлиш камаймоқда.

Ўзбекистон медицина ходимлари IV съезди республикада медицина хизматини янада яхшилашнинг аниқ вазифаларини белгилаб, санитария-тозалик маданиятини ошириш учун актив кураш олиб бориш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди. Биз коммунал, мактаб, озиқ-овқат санитарияси соҳасидаги, шунингдек ҳаво, ҳовуз ва ариқларни ифлосланишдан сақлаш ишларидаги мавжуд камчиликларни қисқа вақт ичида тугатишимиз керак.

Ҳамма ерда ҳам пашшани бутунлай йўқотиш ва қириб ташлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки, пашша—юқумли касалликларни тарқатувчи воситалардан бири. Ҳозир кунлар исиб, пашшанинг тез кўпайиши учун қулай шароит туғилмоқда. СССРнинг ўрта доирасида ёз даврида пашша 3-4 авлод кўпаяди, чунки битта урғочи пашша бир йўла уруғлашда 100 тагача ва ҳатто ундан ҳам ортиқ тухум қўяди.

Кўклам, ёз ва арта кузда озиқ-овқат маҳсулотлари кўпинча пашшанинг қўнишидан бузилади. Пашша гўнг, ахлат ва бошқа шу сингари ифлос жойларга тухум қўйиб, урчийди ва улардан турли микробларни ялаштириб инсон истеъмол қиладиган овқатларга олиб келади. Микроблар пашша баданида бир суткача, унинг ичакларида эса беш кунгача сақланади. Территория ташландиқ нарсалар билан ифлосланган, ҳожатхона, ахлатхона, кир ўралар санитария қоидаларига номувофиқ бўлса пашшалар ёз даврида гоят кўп миқдорда урчиб, улар ич терлама, ич буруғи каби юқумли касалликларни кўпайтиради. Ана шунинг учун ҳам пашшага, унинг кўпайишига қарши курашни ҳозирданоқ кенгайтириб юбориш муҳим ишдир. Биз санитария маданиятини ошириш, аҳоли яшайдиган ҳамма ерлар, саноат корхоналари, муассасаларнинг тоза ва обод бўлиши учун курашга меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини жалб этмоғимиз лозим.

Бу жиҳатдан пойтахтнинг Ленин район меҳнаткашлари ва медицина ходимлари анчагина ишлар қилмоқдалар. Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг соғлиқни-сақлаш доимий комиссияси районда санитария-профилактика ишларини яхшилашда даволаш муассасаларига яқиндан ёрдам бермоқда. Шу комиссиянинг ташаббуси билан районда санитария, тозалик, ободончилик ва кўкламзорлаштириш ишларини яхшилаш мақсадида икки марта якшанбалик ўтказилди. Бу якшанбаликларда район меҳнаткашлари актив қатнашиб, кўча, ариқларни, ҳовлиларни санитария жиҳатидан тартибга келтирдилар, неча минг туп дарахт кўчатлари ўтказдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг II сессияси районда санитария ишларининг аҳволи ва ободонлаштириш масаласини муҳокама қилди. Бу йил районда ҳаммаси бўлиб 39700 туп дарахт ва 9100 та бута ўтказилди. Районни кўкламзорлаштириш учун 70 минг сўм маблағ сарфланади. Районда икки марта ўтказилган якшанбаликда неча ўн минг туп дарахт кўчати ўтказилди. Биргина «Ташсовет» шифохонаси территориясига 200 тупга яқин тол, терак, ток кўчатлари ўтказилди. Болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал ремонт қилиш ва ободонлаштириш учун 765 минг сўм сарфланади. Район территориясидаги касалхона ва диспансерлардаги ўринлар сони бу йил 595 та кўпайтирилади, 580 болага хизмат кўрсатадиган 6 та болалар боғчаси очилади, маҳаллий бюджет ҳисобидаги доимий болалар яслиларидаги ўринлар 300 та кўпайтирилади. Район бўйича бу йил 800 та газ установкаси ўрнатилади, уй-жойларни капитал ремонт қилиш учун 3600 минг сўм, кўчаларни тузатиш учун 225 минг сўм, кўча ва тротуарларга асфальт ётқизиш ва тош тўкиш учун 2.225 минг сўм сарфланади ва ҳоказо.

Мана бу тадбирлар коммунизм қураётган совет халқи тўғрисида, унинг соғлиғи ҳақида оталарча қилинаётган катта ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Ана шу ғамхўрликка жавобан областимизнинг меҳнаткашлари ўз шаҳар ва қишлоқларини санитария жиҳатидан намунали ҳолга келтириб, турли юқумли касалликларнинг пайдо бўлишига ва тарқалишига қарши қаттиқ кураш олиб борадилар, саломатлик учун катта фойда келтирадиган кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида актив иштирок қиладилар, деб ишонамиз.

Медицина ходимлари эса, совет кишисининг саломатлигини сақлаш ва унинг умрини узайтириш юзасидан партия ва Совет ҳукумати томонидан ўз олдиларига қўйилган фахрли вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Б. ҚОСИМОВ.

«Ташсовет» шифохонаси бош врачи, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Ленин район Советининг депутати.

Суратда: Тошкентдаги гидрометеорология техникумининг I курс студентлари (чапдан) Р. Раҳимова, С. Қосимова, Р. Мухтасимова, З. Нўъмонова ва Х. Обиджоновалар нивилир аппарати билан амалий машғулот ўтказмоқдалар.

С. Рихнев фотоси.

Бутун жамоатчиликнинг ёрдами билан

СТУДЕНТЛАРНИНГ ҲИССАСИ

Шаҳарни тозалаш ва ободонлаштириш ойлиги меҳнаткашларнинг актив иштирокида қизғин давом этмоқда. Пойтахтдаги олий ўқув юртларининг студентлари шаҳарни тозалаш ва кўкламзорлаштиришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Низомий номидаги давлат педагогика институтининг студентлари якшанбалик ўтказиб, Киров номли маданият ва истироҳат боғида ишладилар. Якшанбалида боғдаги барча ариқлар қазилди, йўлка ва майдончалар ахлатлардан тозаланди, текисланди. Ўқитувчи Жалол Усмонов бошчилик қилган бу якшанбаликда М. Солихова, Ҳ. Раҳимов, Қ. Қувондиқов, У. Маматалиев, М. Олимхўжаева ва бошқа студентлар астойдил меҳнат қилдилар.

И. ИСЛОМОВ.

* * *

Шунингдек, бошқа ўқув юртларининг студентлари ҳам якшанбаликларда актив иштирок этмоқдалар. Республика киномеханиклар тайёрлаш мактабининг ўқувчилари, айниқса Ю. Турғунов, У. Тоштонов, О. Маҳмудов, О. Жабборов, Р. Раҳмонов ўртоқлар якшанбаликда намуна кўрсатиб ишладилар.

Ўқувчиларнинг ташаббуси билан мактаб биносининг атрофи ахлатлардан тозаланиб, гуллар ўтқазилди, кўчатлар экилди, ариқлар қазилиб, сув равон оқадиган қилиб қўйилди.

О. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ЗАВОД — БОҒ

Тошкент транспорт машинасозлик заводи янги қурилган кезларда бийдек дала эди. Мана энди кўрибсизки кўркамгина боғ бўлиб қолипти. Завод хўжалик бўлимининг бошлиғи ўртоқ Иноятов ва миришкор ишчи-хизматчиларнинг ташаббуси билан завод территориясига турли дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ҳозир 350 туп оқ ва кўк терак, 200 тупдан ортиқ ўрик ва ёнғоқ дарахтлари заводга соя-салқин бериб турипти.

Завод ва унинг атрофига ўтган йили турли-туман гуллар ўтқазилган эди. Бу йил яна кўпгина дарахт кўчатлари, шойи ва атир гуллар ўтқазилди.

Завод ишчилари ва хўжалик ходимлари «Заводимиз территорияси ва унинг атрофидаги кўчалар қанча соя-салқин бўлса, қанча кўп кўкламзорлаштирилса ишчи-хизматчиларнинг сиҳат-саломатлиги шунча яхши бўлади» деб гул ва кўчатларнинг сонини борган сари кўпайтирмоқдалар. Корхонанинг 1959 ва 1960 йилларга мўлжалланган кўкламзорлаштириш плани бор. Шу планга мувофиқ бу йил ҳам кўпгина дарахтлар ўтқазилди. Гулзорлар кенгайтирилди.

Илгари экилган ўрик, ёнғоқ дарахтлари ва токлар бу йил яхши ҳосилга кирди.

У. УСМОНОВ.

Завод қуюв цехининг бригада бошлиғи.

АЖОЙИБ САЙРГОҲ

Республикамиз пойтахтининг энг кўркам, гўзал боғларидан бири бўлган Сталин номли паркда бу мавсумда меҳнаткашларнинг дам олишлари учун барча қулайликлар яратилди.

Паркни мавсумга тайёрлаш ишларига бу йил 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Айниқса, кўкламзорлаштиришга катта аҳамият берилди. 7—10 йиллик декоратив дарахтлардан 200 туп, 25 минг туп иҳота кўчатлари ўтқазилди. Парк теплицасида атрофга хушбўй ҳид тарқатувчи гуллардан 50 хили тайёрланиб, гулхоналарга экилди.

Ёзги каникул даврида ўқувчиларнинг дам олишини намунали ташкил этиш мақсадида ёш темир йўлчилар станцияси ҳузурида 250 минг сўм маблағ сарфлаб, такомиллаштирилган устахона қурилмоқда. Каникул бошланишига ишга туширилиадиган бу устахонада зарур асбоб ускуналар билан жиҳозланган дурадгорлик, слесарлик, токарлик ва бошқа касбларни ўргатадиган тўгараклар ишлайди.

Паркка келиб ҳордиқ чиқарувчилар учун маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида бу ердаги иккита ошхона ва тўртта чойхонанинг иши анча яхшиланди.

КИРОВ НОМЛИ ПАРКДА

Фрунзе майдонига ёндошган Киров номли парк ҳам бу йил хушманзара ва гўзал қиёфага кирди. Паркда янгидан 400 кишилик ўқиш зали қурилди. Ўқиш зали марказий ва маҳаллий матбуотларнинг янги сонларини олиб туради.

Бундан ташқари паркка турли-туман гуллар ва дарахт кўчатлари ўтқазилди, чўмилиш бассейни сифатли ремонт қилинди.

Паркда «Коммунистик меҳнат бригадалари» деган махсус аллея ташкил этилди. Аллеяга Тошкентнинг йирик саноат корхоналарида ишлаётган коммунистик меҳнат бригадалари аъзоларининг портретлари қўйилди. Коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари учун қурилган клубда ёшлар ўз ижодий меҳнатлари ва турмушлари тўғрисида суҳбатлар ўтказадилар.

Парк очилиши билан санъатнинг ҳамма жанрларини ўз ичига олган маданият университети ишлай бошлади.

А. ПЎЛАТОВ.

ТОШКЕНТДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ 1959 ЙИЛ 1 МАЙДА БУЛАДИГАН НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар ўз корхоналари ва муассасалари бўйича йиғилиш пунктларига тўпланадилар ва Ленин номли майдонга уюшган ҳолда белгиланган маршрут бўйича район колонналари билан борадилар.

Ленин номли майдонга пропуск билан, пропуксда кўрсатилган пункт орқали соат 8 дан 45 минут ўтганга қадар қўйилади.

Ҳамма турдаги транспорт ва пиёдалар ҳаракати ўраб олинган зона ва намойишчиларнинг колонналари борадиган маршрут бўйича 7.30 минутда тўхатилади.

Махсус пропускалари бўлган автомашиналар Ленин номли майдонга Ленинград кўчаси бўйлаб соат 8.40 минутга қадар қўйилади.

Намойишчилар колонналарининг ҳаракатини тартибга солиб туришни назорат қилиш Тошкент шаҳар ижроия комитети милиция бошқармасининг бошлиғи, III ранг милиция комиссари ўртоқ И. Қ. Қаландаровга юклатилган.

Шаҳар 1 Май комиссияси.

ПАРКЛАРГА КИРИШ БЕПУЛ БЎЛДИ

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, уларнинг соя-салқин паркларимизда оммавий равишда дам олишларини таъминлаш тадбирларини белгиладилар. Яқинда шаҳар ижроия комитети пойтахтимиздаги барча маданият ва истироҳат паркларига пул тўлаб киришни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. 25 апрелдан бошлаб ана шу қарор амалга оширилиб, Тошкентдаги маданият ва истироҳат паркларига бепул кириш жорий қилинди.

ФУТБОЛ

УЮШҚОҚЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШ КЕРАК

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун «Б» классда мусобақалашаётган «Пахтакор» командаси ўтган якшанба куни ўз стадионида Челябинск локомотивчилари билан учрашди.

Ўйин давомида «Пахтакор» командасининг техника ва тактика жиҳатидан меҳмонлардан устун эканлиги яққол сезилиб турди. Тошкентликлар қарши томон дарвозасига қисқа вақт ичида икки тўп киритдилар. Шундан кейин улар ўйинни жуда сусайтириб юбордилар. Ғалабадан руҳланиб янада зўр ғайрат билан ўйнаш ўрнига, фақат вақтни ўтказиш учун тўпни бир-бирларига беҳуда узатаберишлари, майдондан четга тепаберишлари тамошабинларни ранжитди. Бундай нотўғри «тактика» «Пахтакор» командасида одат тусига кириб қолаётир. Старший тренер ўртоқ Л. Ольшанский ва команда капитани А. Козенков ўртоқлар хатони тезда тузатишлари ва команда аъзоларини ҳар бир ўйинда 90 минут давомида уюшқоқлик билан астойдил курашишга ўргатишлари зарур.

Меҳмонлар анча бўш ўйнаб, бир тўп ҳам киритолмадилар.

Чет элларда

Н. С. Хрушчевнинг Д. Эйзенхауэрга юборган мактуби тўғрисида АҚШда баён қилинган фикрлар

НЬЮ-ЙОРК, 26 апрель. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради: Оқ уй СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг президент Д. Эйзенхауэрга юборган мактуби олинганлигини тасдиқлади, аммо, бу мактуб ҳақида унинг ихтиёрида ҳеч қандай шарҳлар йўқлигини айтди.

Н. С. Хрушчев, деб ёзади мухбир, «ўз мактубида ядро қуролининг ҳар қандай синовларини тақиқлашни яна талаб қилди».

Оқ уй секретарининг ўринбосари Э. Уитсон хоним мухбирларга, мактуб олинди, лекин ҳозирги вақтда «бу мактубни шарҳлаш иложи йўқ» деди.

Конгресснинг атом энергияси масалалари билан шуғулланувчи бирлашган комиссиясининг аъзоси сенатор А. Гор (демократ, Теннеси штатидан) бош министр Хрушчевнинг президент Эйзенхауэрга юборган мактуби Хрушчевнинг «асосан, ядро қуролини таъқиқлашни кўзда тутган интилишга асосланган»лигини исбот этади, деди.

«Ядро қуролининг ҳар қандай синовларига хотима берилсин»

БЕРЛИН, 26 апрель. (ТАСС). Берлиннинг демократик матбуоти бугун СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг ядро қуроли синовларини тўхатиш масаласи юзасидан АҚШ президенти Эйзенхауэрга юборган мактубининг баёнини босиб чиқарди. «Нейес Дейчланд» газетаси «Ҳар қандай синовлар тўхатилсин» деган сарлавҳа остида Н. С. Хрушчев мактубининг баёнини эълон қилди. «Берлинер цейтунг» газетаси ўз сарлавҳасида бундай деб ёзади: «Ядро қуролининг ҳар қандай синовларига хотима берилсин».

Н. С. Хрушчевнинг президент Д. Эйзенхауэрга юборган мактуби тўғрисида Ҳиндистон матбуотининг фикри

ДЕҲЛИ, 26 апрель. (ТАСС). Ҳиндистоннинг марказий газеталари бугунги сонларида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг ядро синовларини тўхатиш масаласи юзасидан АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга юборган жавоб мактубига катта эътибор бермоқдалар.

Газеталар Н. С. Хрушчев мактубининг баёнини кўзга кўринарли ўринларда катта сарлавҳалар билан босиб чиқармоқдалар. «Ҳиндустан таймс» газетаси ўз сарлавҳасида: «Хрушчев атом синовларини тамомила тақиқлаш тарафдоридир» деб таъкидлайди. «Таймс оф Индиа» газетаси: «Ядро қуроли синовларининг ҳамма турлари тақиқланиши лозим» деб ёзади.

«Санди стандард» газетаси Н. С. Хрушчевнинг ядро синовларини тўхатиш тўғрисидаги битим ядро қуроли синовларининг ҳамма турларини — атмосферада, ер остида, сув остида ва юқори баландликда синовларни тўхатишни кўзда тутиши лозим, деган сўзларига алоҳида эътибор беради.

Венгрия Халқ Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегацияларининг қўшма баёноти

ХАНОЙ, 26 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Мин иштирокида Вьетнам Демократик Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияларининг қўшма баёноти имзоланди. Баёнотни Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати номидан Фам Ван донг, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Венгрия Халқ Республикаси революцион ишчи-деҳқон ҳукумати номидан Ференц Мюнних имзоладилар.

Ҳар иккала делегация, дейилади баёнотда, музокаралар давомида ҳозирги муҳим халқаро масалалар юзасидан, шунингдек ҳар иккала мамлакатга тааллуқли бўлган масалалар ва улар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр олишди. Музокаралар қардошларча дўстлик вазиятида ўтди. Муҳокама қилинган барча проблемалар юзасидан тамомила якдиллик борлиги аниқланди.

Томонлар битимни имзоладилар. Бу битимга мувофиқ, Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасига 10 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит беради. Бу кредитдан электр ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналарни машиналар билан таъминлаш учун фойдаланилади.

Баёнотнинг охирида таъқидлаб ўтилишича, делегацияларнинг учрашуви ҳар иккала партия ўртасидаги, ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Томонлар ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларини, социалистик лагернинг манфаатларини ва бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб, ана шу муносабатларни бундан буён ҳам изчиллик билан ривожлантиришга қатъий қарор берганликларини изҳор қилдилар.

Болгария меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришда эришган йирик ғалабаси

СОФИЯ, 26 апрель (ТАСС). Бугун Дунай дарёси бўйидаги Гоматарци қишлоғида Болгарияда энг йирик ҳисобланган насос станцияси тантанали равишда ишга туширилди. Ана шу станциянинг ёрдами билан шу йилнинг ёз фаслидан бошлаб Видин округидаги меҳнат кооператив деҳқончилик хўжаликларининг юз минг декардан кўпроқ ерларига Дунай дарёсининг суви оқизилади (1 декар 0,1 гектарга баравардир). Бу станция — мамлакат экономикасини тез суръатлар билан ривожлантириш планининг амалга оширилишига мувофиқ Болгарияда яқин йиллар мобайнида Дунай дарёсининг ўрта қисмида қурилаётган 7 станциядан биринчисидир.

Насос станциясининг ишга туширилганлиги — икки социалистик мамлакат — Болгария ва Чехословакия халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг яна бир кўринишидир. Чунки, станция учун келтирилган ускуналар Чехословакия заводларида тайёрланган эди. Станциянинг машиналари ва иншоотлари ҳам Чехословакия мутахассислари ёрдами билан монтаж қилинди.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛДИ

ВАРШАВА, 27 апрель. (ТАСС). Тегишли ҳукуматлар ўртасида келишувга мувофиқ, бугун Варшавада Польша Халқ Республикаси Министрлар совети биносида Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ва Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрларининг кенгаши очилди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СОЦИАЛИСТИК СЕКТОРНИНГ КЕНГАЙИШИ

ПРАГА, 26 апрель. (ТАСС). Бу йил Чехословакияда кўпгина янги бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари тузилди. Бундан ташқари, илгари тузилган кооперативларга қарийб 22 минг деҳқон аъзо бўлиб кирди. Ҳозирги вақтда Чехословакияда 620 мингдан ортиқ майда хўжаликларни бирлаштирган 12283 бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари бор.

Шундай қилиб, матбуотнинг маълумотларига қараганда, бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари мамлакатнинг барча деҳқон хўжаликларининг 81,4 процентини бирлаштиради ҳамда қарийб 4,5 миллион гектар ерга экин экади. Словакиянинг Братислава областида ҳаммадан кўп бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари тузилган. Улар бу ердаги деҳқон хўжаликларининг 98,9 процентини бирлаштиради.

ХИТОЙ ХАЛҚ СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ УМУМ ХИТОЙ КОМИТЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

ПЕКИН, 26 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги қуйидагиларни билдирди: Бугун куннинг биринчи ярмида учинчи чақириқ Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умум Хитой комитети биринчи сессияси президиуми ва барча старший группалар ҳамда старший группалар ўринбосарларининг қўшма мажлиси бўлди. Қўшма мажлисда Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умум Хитой комитетининг фахрий раиси, раиси, раис ўринбосарлари, бош секретари лавозимларига ва Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умум Хитой комитети доимий комитети аъзолари лавозимларига кўрсатилган номзодлар рўйхати муҳокама этилди ва қабул қилинди.

«ФРАНЦИЯ-СССР» УЮШМАСИ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ДЕПАРТАМЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ПАРИЖ, 26 апрель. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Францияда «Франция-СССР» уюшмаси комитетларининг департамент конференциялари ўтмоқда. Бу конференциялар уюшманинг шу йил 1 майда очиладиган уюшма миллий съезди муносабати билан чақирилгандир.

Сент-Этъенда 24 ва 25 апрелда «СССР-Франция» уюшмаси Луара департаменти комитетининг конференцияси бўлди. Конференция очилишидан олдин конференция ўтадиган бинода совет кишиларининг ҳаётига бағишланган катта фотовиставка очилган эди.

Уюшма комитетининг фаолияти тўғрисида уюшма департамент бўлимининг секретари Ардей доклад қилди. СССРнинг Франциядаги элчихонаси вакилларининг сўзлари ҳам зўр эътибор билан тингланди.

Лионда савдо палатаси биносида кеча «Франция-СССР» уюшмаси Рона департаменти комитетининг конференцияси ишга тушди. Конференция делегатлари уюшма миллий бюросининг аъзоси профессор Триомфнинг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик плани ҳақидаги сўзини тингладилар.

Телевизор экранида

28 АПРЕЛДА

19.30. — Ўрта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун эшиттириш. «Костёр» телевизион журналининг 4- сони.

20.10. — «Бизнинг 1-Май» деган адабий-музикали композиция.

20.30. — Муқимий номли театрнинг «Тоҳир ва Зуҳра» спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.



Суратда: пойтахт меҳнаткашларининг энг севимли дам олиш жойларидан бири — Сталин номли маданият ва истироҳат боғи.

М. Нуритдинов фотоси.

Тошкентнинг тамоша залларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Юлий Цезарь**, 29/IV да **Иўлчи юлдуз**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Риголетто**, (Жильда партиясини СССР халқ артисти **С. Қобулова** ижро этади), 30 /IV да **Жизель**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Тоҳир ва Зуҳра**, 30/IV да **Катта концерт**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Акрам Юсупов** ва бошқа қизиқчилар иштирокида **Кулги кечаси**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 1, 2, 3/V да Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов концертлари**.

«РОДИНА»—эрталаб соат 9-40 минут ва 11-20 минутда янги бадиий фильм **Аравадаги бешинчи гилдирак**, кундуз ва кечқурун кенг экранли фильм **Булутли тонг**.

«ВАТАН», «УДАРНИК»—**Аравадаги бешинчи гилдирак**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Аравадаги бешинчи гилдирак**, кеч 7-20 минут ва 9-10 минутда **Кўзали қиз**.

«ФЕСТИВАЛЬ» (ёзги «Искра») — кенг экранли фильм **Булутли тонг**.

КАФАНОВ номли — **Кўк ўқ**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Оталар ва болалар**.

«ХИВА» — **Оталар ва болалар**.

«САЛЮТ» — **Поп Чира билан поп Спира**.

ГАЗЕТА ва ЖУРНАЛЛАРГА 1959 йилнинг иккинчи ярми учун

ОБУНА ҚИЛИШ бошланди

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, республиканинг алоқа бўлимлари ва конторларида, шунингдек уйга хат ташувчи почтальонлар томонидан ҳамда ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика, завод, колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

«Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида обуна ҳар куни соат 9 дан 19 гача, якшанба кунлари эса соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040,135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00959. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1581.